

"Агар бир кун ёки бир ой ёки бир йил ишинг қўлингда" деса ёки: "Бугун ёки шу ой ёки шу йил" деса ёки: "Бу кун ёки бу ой ёки бу йил" деса мажлис билан қайдланмайди. Аёл учун ўша вақтнинг барчасида ўзи учун ундан нимани хоҳласа ихтиёр қилади. Агар мажлисдан туриб кетса ёки жавобсиз бирор нарса билан машғул бўлиб кетса, модомики вақт бор экан ҳеч қандай хилофсиз аёлнинг хиёри ботил бўлмайди" (Фатвои ҳиндия).

БАЛОҒАТГА ЕТМАГАН АЁЛИГА ТАЛОҚ ИХТИЁРИНИ БЕРИШ

Ихтиёр масаласи ом масалалардан ҳисобланади. Унда эр-хотинни балоғатга етиши, етмаслиги ёки улардан бирини балоғатга етмаслиги ихтиёрни дуруст бўлишига тўсқинлик қилмайди. Қўйинки, ҳар суратда, талоқ ихтиёрини эр ўз аёлига топшириши ва аёл уни истеъмол қилиши мумкин. Ҳатто, фақиҳлар балоғатга етмаган болани ўспирин бўлишини ҳам қайд қилмаганлар. Аллома Шомий раҳматуллоҳи алайҳ: "Икки эр-хотин ҳам балоғатга етмаган бўлсалар ва ихтиёр беришни тушунсалар. Бас, эр томонидан берилган ихтиёрни аёл қабул қилиши билан унга талоқ воқе бўлади" деганлар.

نَّأَلَّ حَصَّاهُ سَفَنَ تَوَّلَطَ قَالَطَلَايُونَ يَدَيَّ كَرْمًا رِيَّصَلَّهِ تَأْمَالُ لَأَقْ إِذْ
نَاطَرَشَبُّ لِقَعِيَّ أَلَّيَّ بَصَوُّهُ لَوْ قَلَّ طَأَطَّ نَأَفَّ كَسَفَنَ تَوَّلَطَ نَإِيَّ مَأَلَّ كَرِيَّ دِقَات
لِقَعَلَّ رِيَّ بَعْتَلَّ أَلَّ مَزَلَّيَّ أَلَّ وَقَالَطَلَّ أَلَّ هَلَّ عَعَقُوِّيَّ نَأَحَصَّيَّ فَمَلَّ كَتَّيَّ

"Агар эр балоғатга етмаган аёлига ишинг қўлингда деб, талоқни ният қилса, бас аёл ўзини талоқ қилса дуруст бўлади. Чунки, эрнинг каломининг тақдири: "Агар ўзингни-ўзинг талоқ қилсанг, бас сен талоқсан" дегани бўлади. Ақлли бўлмаган гўдак, деган сўздан мурод гапиришни билиш шарти биландир. Бас, гўдакка талоқни воқе қилиш дурустдир. Шунинг учун (ихтиёрни аёлни ўзига топширишда) ақлни шарт қилиш лозим эмас" (Раддул мухтор).

ТАФВИЗУТ ТАЛОҚДА ИККИНИ НИЯТ ҚИЛИШ ДУРУСТ ЭМАС

"Ихтиёр қил", "ишинг қўлингда" каби тафвизут талоқ ибораларини айтиб икки талоқни ният қилиш дуруст эмас. Агар эр аёлга талоқни тафвиз қилиб, икки талоқни ният қилса, бас бир боин талоқ воқе бўлади. Шу билан бир қаторда аёл бундай ҳолатда ўзига-ўзи бирдан зиёда талоқни қўя олмайди.

هَنَّابٌ دِحَّوْ عَقَاتُ هَنَّافٌ رُحَلَايَ فَيَنْ يَنْتُ وَأَدِحَّوْ وَوَأَدَدَعُ وَوَيَّ مَلَّ نَأَبُ

"Ҳурнинг ҳаққида ададни ният қилмаслик ёки бир ёки иккини ният қилиш билан бир боин талоқ воқе бўлади" (Раддул мухтор).

НИКОҲДАН ОЛДИН ТАЛОҚНИ ТОПШИРИШ ДУРУСТ ЭМАС

Тафвизут талоқ никоҳга доир масала бўлгани боис, ундан олдин никоҳга

нисбат бермай топширилган талоққа эътибор берилмайди. Масалан, бир киши никоҳдан олдин бўлажак аёлига: "Қачон хаҳласайиз ўзингизга талоқ қўйишингиз мумкин" деб уйланса ва аёл берилган ихтиёрдан фойдаланиб ўзига-ўзи талоқ қўйса, бас талоқ воқе бўлмайди.

Ҳа, агар бир киши баъзи шартларга биноан бир қизга уйланиб, шартлар қайд қилинган дафтарга қўл қўйса ва ақддан кейин шартларни никоҳ томонга боғламай мутлоқ қабул қилса, бас бу шартлар қабул қилинмайди ва у шартларга биноан аёл ўзига-ўзи талоқ қўйса, талоқ воқе бўлмайди. Балки, никоҳ боқий қолади.

”حَصَى الْفَحَّالُ النَّوْلَ لِبَقْضِ وَيُوفِّي لَهَا

"Никоҳдан олдинги тафвиз дуруст эмас" (Раддул мухтор).

Ҳа, агар никоҳдан олин қўйилган шартлар аёл томонидан қўйилса, масалан, аёл бўлажак турмуш ўртоғига қарата: "Ихтиёримни ўзимга берсангиз сизга турмушга чиқаман ва қачон хоҳласам ўзимга-ўзим талоқ қўяман" деса ва эр бўлажак рафиқа томонидан қўйилган шартларни қабул қилса, никоҳ дуруст бўлиб, аёлга ихтиёр берилади. Агар ушбу шартларни ибтидода аёл эмас эр қўйса, тафвизут талоқ дуруст бўлмайди ва аёл ўзига-ўзи талоқ қўя олмайди.

”حَصَى أَوْدِي بَأَهْرَمَ أَنْ أَيْلَعَ أَعْحَكَ

"(бир аёлга) аёлнинг иши қўлида бўлиш шартига биноан уйланса, дурустдир" (Раддул мухтор).

”قُلْتُ أَيَّ دِي بَأَهْرَمَ أَنْ أَيْلَعَ كُنْ مَيْسَفَنْ تُجْوزُ تَلَاوْفُ أَهْرَمَ لِأَدْتَبَا إِذَا أَمَبُ دِي قَوْمُ قُلْتُ أَلْجُوزُ لِأَدَبْ وَوَلَّ أَمَّ، تَلَبَّ قُجُوزُ لَلْأَقْفُ قُلْ أَيْلَعَ وَأُ دِي رَأَمَ لُكْ مَيْسَفَنْ أَوْ دِي بَأَهْرَمَ أَلْأَحْصَى أَلْوَ

"Аёл: "Ишим қўлимда қачон хоҳласам ўзимни-ўзим талоқ қиламан ёки талоқ қилиш ўзимни ихтиёримда бўлиш шарти билан сизга никоҳланаман" деб бошласа, эр аёлга жавобан қабул қилдим деса, никоҳдан кейин аёлда ихтиёр бўлади ва никоҳ дуруст бўлади. Агар эр дастлаб ўша шартни қўйса, аёл талоқ бўлмайди ва аёлнинг иши қўлида ҳам бўлмайди" (Раддул мухтор).

НИКОҲДАН ОЛДИН ТАЪЛИҚ ТАРЗИДА ҚИЛИНГАН ТАФВИЗ ДУРУСТ

Тафвизут талоқни никоҳ томонига нисбат бериб эр аёлига: "Қачон сизга никоҳлансам сизда ўзизга-ўзиз талоқ қўйиш ихтиёри бўлади" ёки "Никоҳланганимиздан кейин сизда талоқ қўйиш ихтиёри мавжуд" деса, бас бу каби иборалар билан талоқни никоҳдан олдин тафвиз қилиш жоиздир. Лекин, ушбу ибораларга чуқур ҳақиқат кўзи билан боқилса, бу аслида тафвиз эмас, балки, талоқни таълиқ қилиш ҳисобланади. Зеро, эр: "Қачон менга турмушга чиқсанг сенда талоқ қилиш ихтиёри мавжуд" деган иборани айтмоқда. Шунинг учун бирор таълиқсиз бир киши уйланишдан

олдин бўлажак рафиқасига: "Сенда ихтиёр бор" деса, на тафвиз ва на никоҳдан сўнг аёлда ихтиёр собит бўлади.

Умуман олиб қаралганда, никоҳга таълиқ қилиб қилинган тафвизут талоқ эътиборга олинади ва ҳатто балоғатга етмаган бола бўлсада! Аслида эса, балоғатга етмаган болалар талоқ қўйиш аҳл эмаслар. Шундай бўлсада, талоқни таълиқ шаклида аёлига топширса эътиборга олинади. Чунки, балоғатга етмаган болаларни тафвизи мулк қилиб бериш зимнидаги таълиққа асосланган.

حَصَّيْ كَيْلْمَّتْ لِرَابِّتْ عَابٌ حَصَّيْ مَلْ نَفْ، قَيْلْ عَتْ هُونْ مَضْ يَفْ كَيْلْمَّتْ آدَهْ نَأَلْ
قَيْلْ عَتْ لِرَابِّتْ عَابٌ هَانْ حَصَّ صَفْ، قَيْلْ عَتْ لِرَابِّتْ عَابٌ

"Чунки бу зимнида таълиқ бўлган тамликдир. Гарчи тамлик эътибори билан дуруст бўлмасада, таълиқ маъносининг эътибори билан дуруст бўлади. Шунинг учун таълиқ эътибори билан дуруст бўлади дедик" (Раддул мухтор).

ЎЗАРО ХАТ ВА ШАРТНОМАГА КЎРА НИКОҲЛАНИШ

Никоҳ вақтида эр бўлажак турмуш ўртоғига: "Мен сизни олидингиздаги эрлик бурчимни бажара олмасам ёки бедарак йўқолиб кетсам ёки Аллоҳ кўрсатмасин қамаққа тушиб қолсам ёки хорижга кетиб сени олдинга келмай қўйсам ёки озиқ-овқатингдан хабар олмай қўйсам менга берилган талоқ ҳаққини сенга топшираман. Сен икки йил (ёки қанчадир аниқ муддат) мени кутиб, сўнг ўзинга уч талоқ қўиб, бошқа эрга тегишинг мумкин" деган мазмунда хат ёзиб берса ёки эр бўлажак турмуш ўртоғига қуйидаги шартлар билан уйланса, масалан, бир йилгача сендан хабар олмасам ёки озиқ-овқат ва нафақангни адо қилмасам, ўзинга-ўзинг талоқ қўйишга ҳаққинг бор деса ёки эр: "Қачон хоҳласанг мендан ажралиб кетишинг мумкин" деса, бас юқоридаги барча суратларда, шарт рўёбга чиққандан сўнг аёлда ўзига-ўзи талоқ қўйиш ихтиёри мавжуд бўлади. Лекин, ушбу ихтиёр шартнома ёки хатда кўрсатилган муддатгача ўз кучида туради. Ундан кейин эса, аёлда ихтиёр қолмайди.

نَأَلْ آهَلْ فْ كَسْفَنْ يَقْلَطْ وَأَقْلَطْ لَأَضْيَ وَفَتْ يَوْنِي كَدَيْبِ كُرْمَأْ وَأَيْرَاتْ خَا أَهْلَ لَأَقْ
هُتْ قُوِيْ مَلْ أَمْرَتْ كَأْ وَأَمْوِيْ لَأَطْ نَأُوْ أَرَابْ خِإْ وَأَهَّ فَاشْمُ هَبْ أَوْمْلَعْ سَلْ جَمْ يَفْ قَلَطْ
أَوْمْلَعْ لَبْ قُتْ قَوْلْ يَضْمْ يَوْ

"Эр аёлига талоқни топширишни ният қилиб: "Ихтиёр қил" ёки "Ишинг қўлингда" деса ёки: "Ўзингни талоқ қил" деса, аёл оғзаки ёки хабар орқали талоғи ўзига топширилганини билган мажлисда ўзини-ўзи талоқ қилиши мумкин. Ушбу вақт билан чегараланмаган мажлис ўзгармай бир кун ёки ундан кўпроқ муддатга чўзилиб кетса ҳам аёлнинг ихтиёри ботил бўлмайди. Вақт аёл ихтиёри ўзидалигини билишидан олдин ўтиб кетса, аёлнинг ихтиёри тугайди" (Дуррул мухтор).

қарши далил келтирса, бас аёл ҳолат далолат қилиб турганлигига ҳужжат келтирса, ҳужжати эътиборга олинади ва унга талоқ ихтиёри берилади. Ҳа, агар аёл далил келтира олмаса, қасам билан эрни қавли олинади.

عَلَّاحِ يَنْوُكِي نَأْلِيْ عَيْشَبُ رُمَّالَاسِنِّي لَفِ اَقَالَطِ دِيْلَابِ رُمَّالَابِ جُوْرَلَا دِرِّي مَلْ وَّلَوِ
قَالَ طَلَا هِبْ دِرِّي مَلْ هُنَّ اَمْ كُحْلَا يَفِي نِي دِي الْوَقَالَ طَلَا عَرَكَ اَدْمِ عَلَّاحِ يَفِي وَابَّضَعْلَا
قَالَ طَلَا عَرَكَ اَدْمِ وَابَّضَعْلَا يَفِي نَاكُ هُنَّ اَوْ قَالَ طَلَا اَيُّنْ عَرَكَ اَدْمِ اَتَّعَدَا نِ اَوْ نِي تَلَّاحْلَا يَفِي
عَرَكَ اَدْمِ وَابَّضَعْلَا اَحْتَابَتْ اِي فِ عَرَكَ اَدْمِ اَلْيَمَّ يَلَّ اَعْمُ هَلْ وَّقُلْ وَّقُلْ اَفِ
رَارُقَا اِي لَعَّ نِي بَلَّ اَمَّ يَفِي قُتْ نَأْلِيْ اَقَالَ طَلَا اَيُّنْ يَفِي اَهْتَنِّي بَلَّ يَلَّ يَفِي قُتْ اَلْوَقَالَ طَلَا
اَيُّرِي هَظَلَا يَفِي اَذْكَ لَكَلَّ ذَبَّ جُوْرَلَا

"Эр ишинг қўлингда деган ибора билан талоқни ирода қилмаса, ҳеч нарса бўлмайди. Лекин, ғазаб ёки талоқ зикр қилинаётган ҳолатда эр ўша сўзни айтиб, икки ҳолатда талоқни ирода қилмаганман дейиши, эътиборга олинмайди. Агар аёл у сўзни айтиб эрим талоқни ният қилган деб даъво қилса ёки ўшанда у ғазаб ҳолатида ёки талоқ зикр қилинаётган ўринда эди деб даъво қилса, эрнинг сўзи қасам билан эътиборга олинади. Аёлнинг ғазаб ва талоқ зикр қилинаётган ҳолатни исботлаш тўғрисида келтирган ҳужжати қабул қилинади. Лекин, талоқни ният қилган эди деган даъвосига аёлни келтирган ҳужжати қабул қилинмайди. Балки, аёл эрнинг талоқни ният қилганлигини иқрорига келтирган ҳужжати қабул қилинади"(Фатвои ҳиндия).

МАШИАТУ ТАЛОҚ

Тафвизут талоқнинг "ихтиёр қил", "ишинг қўлингда" каби икки суратини зикр қилгандан кейин машияту талоқ, яъни "қачон хоҳласанг ўзингни талоқ қил" деган мавзуда бироз баҳс юритамиз. Машияту талоқ тафвизут талоқнинг уч сурати усуллар, қоидалар, жузъий масалалар, шартлар ва эр томонидан нечта талоқ аёлга топширилган бўлса, ўшанча талоқ қўя олиш ҳамда эр томондан аёлга берилган талоқ ихтиёрини эр қайтариб ололмаслик каби масалаларда бир хилдир. Масалан, эр аёлига талоқни тафвиз қилса, аёл учун ўзига-ўзи талоқ қўйиш ихтиёри мажлис доираси билан чекланади. Мажлис аёлда ўзгариши билан талоқ ихтиёри қолмайди.

دِيْلَابِ رُمَّالَابِ وَاُرِي حَّتَلَا طَفَلَنَا اَوْ سَضِي وَّفَّتَلَا نَعَّ عُوْرَلَا جُوْرَلَا لَكَلَّ مَيِ اَلْوِ
هُنَّ اَوْلُوْبَقِ اِي لَعَّ قُوتْ رِي غَنْمُ هَدَّحْ وَاَكَلَّ مَلَّابِ مَّتِي هُنَّ اَنْ مَدَّقْ اَمَلْ كَسْفَنْ يَفِي قَلَّطْ وَا
سَلَّحْ مَلَّابِ دِي قُوتْ كَلَّ مَلَّابِ رَابَّ اَبَّ فِ..... قِي لَعَّ تَلَّ اِي نَعَّ مَّهِي فِ كَلَّ مَلَّابِ

"Эр "ишинг қўлингда" ёки "ўзингни-ўзинг талоқ қил" деган лафзлар билан талоқ қўйиш ихтиёрини аёлига берганидан кейин сўзини қайтариб олишга эр молик бўлмайди. Чунки, талоқ қўйиш ихтиёрини аёлга беришлик аёлни қабул қилишига тўхтаб турмай эр ихтиёрни топширишга молик эканлиги ва бу нарса таълиқ маъносидаги эр томонидан аёлга милк қилиб беришлик эканлиги туфайли тўлиқ адо бўлаверади.... Мулк қилиб бериш эътибори

билан мажлисга қайдланди" (Баҳрур роиқ).

Зикр қилинган учинчи сурат аввалги икки суратдан баъзи жузъий масалаларда фарқланади. Масалан, талоқ ихтиёри ўзида бўлган аёлнинг ихтиёри мажлис билан чегараланади. Мажлис ўзгариши билан ихтиёр ҳам тугайди. Лекин, машият (хоҳиш) сўзига "қачон", "қайси вақт", "қайси замон" каби муайян вақтга далолат қилмайдиган лафзларни қўшиб айтилса, ихтиёр мажлисга чегараланмайди. Масалан, эр аёлга: "Хоҳласанг ўзингни-ўзинг талоқ қил" дейиш ўрнига "қачон хоҳласанг ёки қайси вақт хоҳласанг ёки қайси замон хоҳласанг ўзингни-ўзинг талоқ қил" деса, аёлнинг ихтиёри мажлисга чегараланмайди. Чунки, ушбу лафзлар умумий вақтга далолат қилади. Уларга хилоф ўлароқ, "ин (агар)", "кайфа (қандай)", "ҳайсу (қайда бўлмасин, қаерда бўлмасин)", "кам (қанча)", "айна (қаерда)", "айнама (қаерда бўлмасин)" каби умумий вақтни ифодаламайдиган лафзлар билан талоқ ихтиёри аёлга топширилса, ихтиёр мажлисга чегараланади.

سَلِّحْ مَوْلَايَ فِي قَوْلِ طَلْتِ الْاَهْلِ نَاكَ تَشِي تَمَ دَارِ اِدَاوِ سَلِّحْ مَوْلَايَ لَعِي رُصَتْ قِي وَوَو
هُدَارْمُو تَشِي تَقْوِيَا فِي لَاقِ اِذَا مَكَ رَا صَفِ تَا قُوَا لِي فِي مَعِ تَمَ مَلَكٌ نَّالُ هَدَّو بَو
لَاقِ وَّلَوِ طَيْحُ مَوْلَايَ فِي لَاقِ نَحِي حَلَّحَّو... اِذَا لَخَّ دَفِ تَقْوِلَا مَوْمُعِ لَعِي لَدَامِ تَمَ نَم
اَمَبَدِّي قَوِ هَلَا تَقْوِلَا نَعْرَابِعَ نَحِي حَلَّ اِنَّالُ تَشِي اِذَا هَلْ وَّقِ لَزَنَمَب وَوَهَفِ تَشِي نَحِي ح
دِّي قَتِي هُنَّ اَمَنِّيَا وَ اَمَّنِّيَا وَ مَكُو تَشِي حَوَفِي كَوْنًا نَع اَزَارْتَحَا تَقْوِلَا مَوْمُعِ لَعِي لَدِي
سَلِّحْ مَوْلَايَ

"Талоқни мулк қилиб бериш мажлисга чегараланади. Агар эр сўзида "Қачон хоҳласангни" зиёда қилса, аёл ўзини-ўзи мажлисда ҳам ва мажлисдан кейин ҳам талоқ қилиши мумкин. Чунки, мата (қачон) калимаси барча вақтларда тегишли бўлиб. Гўёки, қайси вақт хоҳласанг ўзингни талоқ қилавер деган бўлди. Эрнинг "мата ма (қачон)" лафзидан мурод вақтнинг барчасига далолат қилишидир. Бас, унга "иза (қачон)" лафзи ҳам киради. "Муҳит"да "ҳийна (қайси пайт)" лафзи ҳам унга киритилган. Эрнинг "ҳийна шеъта (хоҳлаган пайтингда)" деган қавли "иза шеъта (қачон хоҳласанг)" лафзини ўрнидадир. Чунки, ҳийна вақтдан иборатдир. Мусанниф умумий вақтга далолат қилиши деб қайд қилди. Бу билан "ин", "кайфа", "ҳайсу", "кам", "айна", "айнама" лафзларидан эҳтироз қилди. Чунки, бу сўзларни айтиб талоқни топширилса, талоқ қўйиш мажлисга қайдланади" (Баҳрур роиқ).

ЭР АЁЛГА ҚАНЧА ВА ҚАНДАЙ ТАЛОҚ ИХТИЁРИНИ БЕРСА, ЎША ВОҚЕ БЎЛАДИ
Талоқ қўйиш ҳаққи эрга тегишлидир. Шу боис у қанча ва қандай талоқ ихтиёрини аёлга топширса, аёлга ўша сифатдаги талоқни воқе қилиш ҳаққи мавжуд бўлади. Унга хилоф тарзда ўзига-ўзи талоқ қўйса, эр ихтиёр бергандек талоқ воқе бўлади. Масалан, эр аёлига ражъий талоқ ихтиёрини

талоқ воқе бўлади. Лекин, аксида ҳеч нарса воқе бўлмайди, яъни агар эр аёлига: "Ўзингни бир талоқ қил" деса, аёл ўзини уч талоқ қилса, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ наздида ҳеч нарса воқе бўлмайди. Чунки, эр аёлига учнинг ичидаги бирни эмас, балки алоҳида бирни топширди. Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳлар ҳузурида эса, бир талоқ воқе бўлади" (Шарҳул виқоя).

Фақиҳлар соҳибайн раҳматуллоҳи алайҳларнинг қавлларини рожих ва саҳих деганлар. Аллома Шомий раҳматуллоҳи алайҳ аллома Рамлий раҳматуллоҳи алайҳдан нақл қилиб соҳибайн раҳматуллоҳи алайҳларнинг қавлларини қувватли деганлар.

أَثَلَتْ وَيَوْنَوِ كَسْفَنَ يِقْلَطِ أَلَلْ لَاقِ إِذَا أَمَّ لَسَمَ يِفَّ نَأْهُاضَتْ قُمْ يِلْمٌ رَلْ لَاقِ
نَأْهُ لَنَ كَفَّ ثَلَّ لَاقِ يِ إِضْيَا تَكَ لَمَ أَلَّ نَأْتَنْتْ عُقَتْ نَيْتَنْتْ تَقْلَطِ
تَأْشَ أَمَّ أَمَّ عَقُوتْ

"Рамлий раҳматуллоҳи алайҳ: "Юқоридаги масаланинг тақозоси шуки, агар эр аёлига: "Ўзингни талоқ қил" деб, учни ният қилса аёл ўзини икки талоқ қилса, икки талоқ воқе бўлади. Чунки, аёл уч талоқни воқе қилишга эга бўлди. Бас, аёл ундан хоҳлаганини воқе қила олади" деганлар" (Раддул мухтор).

Эр томонидан аёлга бир талоқ қўйиш ихтиёри берилса, аёл бир калима билан уч талоқ қўйиш ўрнига ўзига-ўзи кетма-кет алоҳида-алоҳида уч марта бир талоқдан уч талоқ қўйса, бил иттифоқ бир талоқ воқе бўлади. Масалан, эр аёлга: "Мен сенга бир талоқ қўйиш ихтиёрини бердим" деса. Аёл унга жавобан: "Бир талоқ ва бир талоқ ва бир талоқ воқе қилдим" деса, бас аёл томонидан айтилган аввалги бир талоқ лафзи билан бир талоқ воқе бўлади. Чунки, эр аёлга бир талоқни топширган эди. Аёл томонидан иккинчи, учинчи айтилган талоқ сўзлар билан талоқ воқе бўлмайди. Чунки, эр аёлига фақат бир талоқни топширди, иккинчи, учинчи талоқни эмас.

مَلَّ كَبَّ أَثَلَتْ تَقْلَطِ دِحْ أُولَابِ أَرَمَ إِذَا أَمَّ يِفَّ يَأْهُ سَكَعَ يِفَّ عَيْشَ عَقِي أَلْهُ وَقِ
أُولَ أَثَلَتْ مَالِ أَقَافَتْ أَوْ دِحْ أَوْ تَعَقَوْ دِحْ أَوْ دِحْ أَوْ دِحْ أَوْ تَلْ أَوْ لَ أَمَّ أَمَّ أَلْ دَنَ عِ دِحْ أَوْ
دَعْبَ أَمَّ وَعَلَيَّ وَ لَ أُولَابِ

"Мусаннифнинг унинг аксида ҳеч нарса воқе бўлмайди деган қавли, яъни эр аёлига бир талоқ қилишни топширган бўлса, аёл бир калима билан уч талоқ воқе қилса, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ наздиларида талоқ тушмайди. Аммо, аёл: "Бир талоқ, бир талоқ, бир талоқ қўйдим" деса, бил иттифоқ аввалги лафз билан бир талоқ воқе бўлади. Ундан кейингилари бекор бўлади" (Раддул мухтор).

МАШИЯТГА МАЪНОДОШ СЎЗЛАР БИЛАН ТАЛОҚНИ ТОПШИРИШ

Эр машиятга маънодош сўзлар билан аёлга талоқ ихтиёрини топширса, бас

"Эр бир кишига: "Фалончи аёл ҳузурига бориб: "Сенинг эринг: "Ихтиёр қил" деди" дегин". Бас, бу киши эринг хабарини етказувчи ҳисобланиб, ўз тарафидан сўз айтгувчи ҳисобланмайди" (Раддул мухтор).

Иккинчи суратда, вакилга талоқ ихтиёри топширилади. Буни ҳам икки сурати мавжуд:

1. Эр вакилга ҳеч қандай қайдсиз, яъни хоҳласанг, истасанг демай: "Аёлимни талоқ қил" деб, вакил қилади. Аёлга талоқни топшириш билан вакилга топшириш ўртасида бироз фарқ мавжуд. Улар қуйидагилар:

Аёлга талоқ топширилганда ихтиёр мажлисга чегараланади. Вакилга топширилганда эса, ихтиёр мажлисга чегараланмайди, яъни талоқ қўйишга вакил қилинса, мажлисда ҳам, мажлис тугагандан кейин ҳам вакилда ихтиёр боқий қолади;

Талоқ ихтиёри аёлга топширилган суратда эр ўз сўзидан қайтиши мумкин эмас, яъни берилган талоқ ихтиёрини аёлдан қайтариб ололмайди. Унга хилоф ўлароқ вакилга талоқ ихтиёри топширилган ҳолатда, эр вакилдан ихтиёрни қайтариб олса бўлади. Чунки, эр томонидан аёлга: "Ўзингни талоқ қил" деган суратда, аёлга талоқ мулк қилиб берилмоқда, иккинчи суратда эса, яъни талоқ ихтиёри вакилга топширилганда бу нарса топилмайди. Бас, мулк қилиб берилган ҳолатда, эр мулкни ўзига қайтариб ололмайди ва у мажлисга чегараланади. Ихтиёрни вакилга берилган суратда, вакилни ихтиёри мажлисга чегараланмайди ва эр ундан ихтиёрни қайтариб олиш мумкин.

2. Эр мутлоқ вакил қилиш ўрнига қайд билан, яъни хоҳласанг, истасанг аёлимни талоқ қил деб, вакил қилади. Масалан, "Хоҳласанг аёлимни талоқ қил" каби. Бас, бунинг ҳукми аёлга талоқни топшириш ҳукми билан бир хилдир, яъни бу суратда ҳам вакилнинг ихтиёри мажлисга чегараланади ва эр ихтиёрни аёлдан қайтариб ололмагани каби бундай вакилдан ҳам ихтиёрни қайтариб оломайди. Манашу қавл рожиҳ ҳисобланади. Имом Зуфар раҳматуллоҳи алайҳ: "Талоққа вакилл қилишнинг икки сурати ҳам бир хилдир" деганлар, яъни "Аёлимни талоқ қил" билан "Хоҳласанг аёлимни талоқ қил" ўртасида фарқ йўқ. Лекин жумҳур наздида икки сурат ўртасида фарқ мавжуд. Жумҳурнинг далили шуки, "Хоҳласанг талоқ қил" дейиш билан таълиқ маъносини ўзида акс эттирган мулк қилиб бериш юзага келади. Мулк қилиб беришга кўра талоқ ихтиёрини вакилга топшириш мажлисга чекланади ва таълиқ эътибори билан "Хоҳласанг талоқ қил" деб, талоқ ихтиёрини топшириш қасамга ўхшаб лозим тасарруф бўлиб қолади ҳамда эр ўз сўзидан қайта олмай қолади.

هُوَ وَوَقَفَ الْخَبْرُ سَلَّمَ لَعَلَّ رَضَتْ قِي الْوُ مَزَلِي الْفُ ، ة نَاعَتْ سَا ة نَأُو لِي كُ وَت ة نَأَل

ўзини ўша мажлисдаги талоқ қилса бўлади. Чунки, эрнинг гапи унинг ҳаққида тафвиздир. Кундошини эса мажлисда ҳам, мажлисдан бошқа ўринда ҳам талоқ қилиши мумкин. Чунки, унинг ҳаққида вакил ҳисобланади" (Фатвои ҳиндия).

ИККИ КИШИНИ ТАЛОҚҚА ВАКИЛ ҚИЛИШНИНГ ТУРЛИ СУРАТЛАРИ

Икки кишини бир қилиб вакил қилишни мухталиф суратлари бор. Улар қуйидагилар:

1. Бир киши икки кишини вакил қилиб, машиятни зикр қилса, масалан, бир киши икки кишига: "Хоҳласанглар аёлимни талоқ қилинглари" деди. Бас, бундай суратда икки вакил бирга талоқ қўйиши лозимдир. Агар алоҳида-алоҳида талоқ қилсалар, талоқ воқе бўлмайди;
2. Бир киши икки кишини вакил қилиб, машиятни зикр қилмаса, масалан, бир киши икки кишига: "Аёлимни талоқ қилинглари" деса, бас бу суратда икки вакил бирга талоқ қилишлари лозим эмас. Балки, у иккисидан қайси бири талоқ қилса, бас талоқ воқе бўлади. Бунинг шарт талоқ мол эвазига бўлмасин;
3. Бир киши икки одамини вакил қилиб: "Бирингиз бошқангизсиз талоқ қилманг" деса, бас улардан бири аввал талоқ қўйса, кейин иккинчиси талоқ қилса ёки биринчиси қўйган талоғини иккинчиси тасдиқ қилса, бас бу билан талоқ воқе бўлмайди;
4. Бир киши икки одамини вакил қилиб: "Аёлимни биргаликда уч талоқ қилинглари" деса, бас бир вакил бир талоқ, иккинчиси икки талоқ қўйса, талоқ воқе бўлмайди. Балки, икки вакил биргаликда уч талоқ қўйсалар талоқ воқе бўлади;
5. Эр "биргаликда" деган таъкидни ишлатмай икки вакилга: "Аёлимни уч талоқ қилинглари" деса, бас икки вакилдан ҳар бири уч талоқ қўйишга ҳақли бўлади. Шунингдек, икки вакилдан бири бир, иккинчиси икки талоқ қўйса талоқ воқе бўлади.

مَلِّمٌ اَمْرًا قَالَتْ اَبِ دُرْفَتِ ل اَمْرًا دَحَّ اَل سَيِّ لَف اَمْتِ شِ ن اِي تَا رْم ا اَقْلَط : نِي لُ ج ر ل ل ا ق ن و ا و
ن ا ك و ا ل ي ك و ت ن ا ك ة اِي ش م ل ا ب ه ن ر ق ي م ل و اِي تَا رْم ا اَقْلَط : ل ا ق ن و ا و ا ع م ت ج ي
د ح ا و ل ل ك ل ن ا ك ق ا ل ط ل ا ب ن ي لُ ج ر ل ل ك و ا ذ ا ة ر ي ن ل ل ا ر و ج ل ا ي ف ا ذ ك ا ه ق ل ط ي ن ا ا م ر د ح ا ل
ا ه ق ل ط ي ا ل : ل ا ق و ق ا ل ط ل ا ب ا م ر ل ل ك و و ل و ل ا م ب ق ا ل ط ل ا ن ك ي م ل ا ذ ا ا ه ق ل ط ي ن ا ا م ر ن م
ا ل ر ا ل ا ز ا ج ا و ا م ر د ح ا ق ل ط و ا ر ا ل ا ه ق ل ط ف ا م ر د ح ا ا ه ق ل ط ف و ب ح ا ص ن و د ب ا م ر د ح ا
ا ه ق ل ط م ت ة د ح ا و ا م ر د ح ا ا ه ق ل ط ف ا ت ا ل ت ا ع ي م ج ا ه ا ق ل ط : ن ي لُ ج ر ل ل ا ق و ل و ة ا ي ش ع ق ي
ي ض ا ق ي و ا ت ف ي ف ا ذ ك ت ا ل ل ا ل ا ع ا ع م ت ج ي ي ت ح ة ا ي ش ع ق ي ا ل ن ي ت ق ي ل ط ت ر ا ل ا
ك ل م ي ا ذ ك و ق ا ل ط ل ا ب ا ه ن م د ح ا و ل ل ك د ر ف ن ي ا ت ا ل ت ا ه ا ق ل ط : ن ي لُ ج ر ل ل ا ق و ل و : ن ا خ
ة ا ي ب ا ت ع ل ا ي ف ا ذ ك ن ي ت ن ت ر ا ل ا و ة د ح ا و ا م ر د ح ا

"Бир киши икки кишига: "Агар икковларинг хоҳласаларинг аёлимни талоқ қилинглари" деса, у иккиси жамланмас экан, у иккисидан бирортаси якка

холда талоқ қўя олмайдилар. Агар бир киши хоҳласангиз деган сўзни ишлатмай: "Иккингиз аёлимни талоқ қилинглари" деса, вакил қилиш бўлади. "Жавҳаратун наййира"да келтирилишича у иккисидан бири аёлни талоқ қила оладилар. Агар бир киши икки кишини талоққа вакил қилса, агар талоқ мол эвазига бўлмаса, иккисидан ҳар бири аёлни талоқ қила оладилар. Агар бир киши икки кишини талоққа вакил қилиб: "Иккингиздан бирингиз бошқангизсиз талоқ қила олмайди" деса ва иккисидан бири талоқ қилса, кетидан бошқаси талоқ қилса ёки иккисидан бири талоқ қилса, бошқаси эса, ижозат берса, ҳеч нарса воқе бўлмайди. Агар бир киши икки кишига қарата: "Иккингиз биргаликда уни уч талоқ қилинглари" деса ва у иккисидан бири бир талоқ қилса, бошқаси эса, кейинроқ икки талоқ қилса, у иккиси бирданига уч талоққа қўймагунларича ҳеч нарса воқе бўлмайди. "Фатвои қозихон"да шундай дейилган. Агар бир киши икки кишига: "Иккингиз уни уч талоқ қилинглари" деса, иккисидан ҳар бири якка ҳолда талоқ қўя олади. Шунингдек, иккисидан бири бир талоққа, бошқаси икки талоққа молик бўлади. "Аттобия"да шундай дейилган" (Фатавои ҳиндия).

Бундан ташқари "Фатаво ҳиндия"да бу баҳсга доир кўплаб маълумотлар келтирилган. Батафсил маълумотга эга бўлишни истасангиз унга қаранг.

БИРДАНИГА ИККИ КУНДОШГА ТАЛОҚ ИХТИЁРИНИ БЕРИШ СУРАТЛАРИ

Икки кундошга талоқ ихтиёрини беришнинг турли кўринишлари мавжуд. Улар қуйидагилар:

1. Бир киши икки яқинлик қилган аёлига бирданига хитоб қилиб: "Ўзларингизни уч талоқ қилинглари" деса, у иккисидан ҳар бири аввал ўзини уч талоқ қилиб, сўнг кундошини уч талоқ қилса, аввалги ўзига-ўзи қўйган уч талоқ билан уч талоқ воқе бўлади, иккинчи, яъни кундош томондан қўйилган уч талоқ бекор бўлади;
2. Икки кундошдан бири аввал кундошига кейин ўзига талоқ қўйса, бас бу суратда кундошга талоқ воқе бўлади. Лекин, ўзига-ўзи қўйган талоғи воқе бўлмайди. Чунки, аёл ўзининг ҳаққида талоғи топширилган ҳисобланади ва бу мажлисга чегараланади. Биринчи кундошига талоқ қўйиш билан мажлис ўзгарди ва тафвиз ихтиёри тугади. Аввалги суратда эса, биринчи икки аёл ҳам ўзларига-ўзлари талоқ қўйиб, сўнг кундошларига талоқ қўймоқдалар. Бу билан иккаларига талоқ воқе бўлади ва улар бир-бирлари ҳаққида вакил бўладилар. Вакиллик эса, мажлисга чегараланмайди;
3. Бир киши икки аёлига: "Ўзларингизга ва кундошларингизга талоқ қўйинглари" деб, кетидан эр: "Сўзимдан қайтдим" деса, бас икки аёл ҳам мажлис доирасида ўзига-ўзи талоқ қўя олади. Лекин, эр томонидан

қилинган бир-бирлари ҳаққидаги вакиллик ботил бўлади. Чунки, эр вакилликни қайтариб ола олади. Тафвизни эса қайтариб ололмайди.

دَحْاوُّ لُكْ تَقْوَلَطَفِ اَمَّوَبِ لَحَدَّ دَقْوِ وَاثَالَتْ اَمَّكَسُفَنَّا اَقْوَلَطُ هَلِ نَيَّتْ اَرْمَالِ لَاقِ وَوْلَوْ
قِيْلَطَبْ اَثَالَتْ اَمُّهَنْمِ دَحْاوُّ لُكْ تَقْوَلَطَبْ قِوَاغَاتِ لَ اِيْلَعِ اَهْتَبِحْ اَصْوِ وَاَهْسُفَنْ اَمُّهَنْمِ
اَهْتَبِحْ اَصْوِ وَاَهْسُفَنْ لَكَ دَدَعَبْ اِيْلَعِ اَقْوَلَطَبْ نَبَّالْ اِيْلَعِ اَقْوَلَطَبْ اَلْ اِيْلَعِ وَاَلْ
تَقْوَلَطِ اَهْسُفَنْ تَقْوَلَطِ مَثْ اَثَالَتْ اَهْتَبِحْ اَصْوِ تَقْوَلَطِ اِيْلَعِ وَاَلْ اَتَّادَبْ وَوْلَوْ لَطَابِ
اِيْلَعِ رُصَتْ قَوِيْ كَيْلَمَّتْ لَ اَوُّهْ لَكِ اَمَّ اَهْسُفَنْ قَحِ اِيْلَعِ اَهْنَّ اَلْ اَهْسُفَنْ نَوُّدْ اَهْتَبِحْ اَصْوِ
اَلْ اَهْسُفَنْ اَهْقِيْلَطَبْ وَاَوْدِيْ نَمَّ رُمَّ اَلْ اَحَّ اَهْتَبِحْ اَصْوِ قَا لَطَبْ تَّادَبْ اِدْفِ سَلَجَمَّ لَ
اَلْ هَلْ اَكْوَلْ اَوُّهْ لَيْكْ وَاِيْلَعِ اَقْوَلَطِ قَحِ اِيْلَعِ اَهْنَّ اَلْ لَكَ دَدَعَبْ اِيْلَعِ اَقْوَلَطِ اَهْقِيْلَطَبْ لُطَبْ اِيْلَعِ
هَمْحَرَّهْ فَيَنْحِ اِيْلَعِ اَقْوَلَطِ اِيْلَعِ اَهْرِيْ هَطْلِ اِيْلَعِ اَدَكِ سَلَجَمَّ لَ اِيْلَعِ رُصَتْ قَوْتِ
اَقْوَلَطِ اَلْ هُدَّعَبْ لَاقِ مَثْ اَمَّكَسُفَنَّا اَقْوَلَطِ نَيَّتْ اَرْمَالِ لَاقِ نَمَّ اِيْلَعِ اَقْوَلَطِ هَلْ لَ
مَلَوْ سَلَجَمَّ لَ اَلْ لَكَ دَدَعَبْ اَمَّ اَهْسُفَنْ قَوَلَطِ نَمَّ اَمُّهَنْمِ دَحْاوُّ لُكْ لَفِ اَمَّكَسُفَنَّا
اِيْلَعِ هَلْ لَكَ دَدَعَبْ اَهْتَبِحْ اَصْوِ قَوَلَطِ نَمَّ اَهْلْ نَمَّ كَيْ

"Агар бир киши икки яқинлик қилинган аёлига: "Ўзларингизни уч талоқ қилинглар" деса, иккисидан ҳар бири ўзини ва кундошини бирин-кетин талоқ қилсалар, у иккисидан ҳар бири аввалги аёлнинг талоқ қўйиши билан уч талоқ бўладилар. Иккинчи аёлнинг талоғи билан эмас. Чунки, биринчи аёлдан кейин ўзини ва кундошини талоқ қилиши ботилдир. Агар биринчи кундошини уч талоқ қилиб, сўнг ўзини уч талоқ қилса, кундошига талоқ тушади, ўзига эса талоқ воқе бўлмайди. Чунки, у ўзининг нафсида моликдир. Мулк қилиб бериш эса, мажлис билан қайдланади. Агар кундошини талоқ қилиш билан бошласа, (ўзининг ҳаққида) иш қўлидан чиқади. Агар биринчи ўзини талоқ қилиш билан бошласа, кундошининг ҳаққида талоқ қўйиш ихтиёри бекор бўлмайди. Чунки, у кундоши ҳақида вакилдир. Ваколат эса мажлисга чегараланмайди. "Зоҳирия"да шундай дейилган. "Мунтақо"да Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳдан бу борада масала зикр қилиниб, бир киши икки аёлига иккалаларингиз ўзларингизни талоқ қилинглар деса, сўнг ўзларингизни талоқ қилманг деса, иккала хотиндан ҳар бирлари модомики ўша мажлисда эканлар, ҳар бири ўз-ўзини талоқ қилиши мумкин бўлиб, бири бошқасини талоқ қила олмайдилар (чунки, эр ваколатни қайтариб олди)" (Фатвои ҳиндия).

АЁЛНИНГ ВАЛИЙЛАРИ ЭРДАН ТАЛОҚ ҚИЛИШНИ ТАЛАБ ҚИЛИШЛАРИНИНГ БИР СУРАТИ

Ҳозирга келиб бир ғалати масала ривожланиб кетмоқда. У ҳам бўлса, эрдан аёлнинг валийлари талоқ сўрашидир. Эр ҳам уларга жавобан нимани маъқул топсанглар ўшани қилинглар деб айтмоқда. Валийлар эса, буни эр томонидан талоқ қўйишга ижозат деб, тушунишиб, ўзлари қизларига талоқ қўйиб, бошқа муносиб жойга қизларини узатиб юбормоқдалар. Бундай қилиш дуруст эмас ва қилинган никоҳ ҳам жоиз

бўлмайди. Чунки, эрнинг юқоридаги сўзи на талоқ ва на талоқ қўйишга ижозатдир.

؟ يَنْمُ دِيْرَتِ اَدَامَ : اَهْبَبْ اَلْجُوزْلَ اَلْاَقْوَفَ اَهْقَلَطِيْ نَ اَجْوَزْلَا نِم اُوْبَلَط اِذْ اَهْرَمْلَا اءَايَلُوْا
نُ وَاكَيْ وَضِيْ وُفَّتْ اَلْجُوزْلَا دِرِّيْ مَلْ نِ اِقْلَطْتْ مَلْ اَهْوَبْ اَهْقَلَطْتْ مَثْ جَحْ وَ دِيْرَتِ اَم لَعْفَا
اَهْصَا اَلْجَلَا يَف اَذْكَ ضِيْ وُفَّتْ لِهَبْ دِرِّيْ مَلْ نِ اَهْلَوْقْلُ وُقُلَا

"Аёлнинг валилари эрдан аёлни талоқ қилишини сўрашса, эр аёлининг отасига: "Мендан нимани истайсиз? Нимани хоҳласангиз қилинг" деса, ота чиқиб қизини талоқ қилса, эр тафвиз(талоқ қўйиш ихтиёрини топшириш)ни ирода қилмаса, аёлга талоқ воқе бўлмайди. "Хулоса"да келишича, эр тафвизни ният қилмаган бўлса, эрни қавли эътиборга олинади" (Фатвои ҳиндия).

Эр "Нимани маъқул топсанглар ўшани қилинглр" деган сўзи билан талоқни тафвизини ният қилса ва қизнинг валилари қизларига талоқ қўйиб бошқа муносиб жойга узатсалар дуруст бўлади. Лекин, тафвизни ният қилиш ёки қилмаслик борасида эрнинг сўзи эътиборга олинади.

ВАКИЛГА БИР НЕЧА ХОТИНЛАРДАН БИРИНИ ТАЛОҚ ҚИЛИШ ИХТИЁРИНИ БЕРИЛИШ СУРАТЛАРИ

Эр бир кишига: "Аёлларимдан бирини талоқ қилинг" деса, вакил ушбу қавлга биноан талоқ қилса, бас унинг икки сурати мавжуддир. Улар:

1. Вакил вакил қилгувчининг аёлларидан бирини тайин қилиб талоқ қилади ва у тайин қилинган аёлга талоқ воқе бўлади ҳамда эрда бирор ихтиёр боқий қолмайди;

2. Вакил тайинсиз: "Аёлларингдан бирини талоқ қилдим" дейди. Бас бу билан аёллардан қайсидир бирига талоқ воқе бўлади ва улардан бирини тайин қилиш ихтиёри эрга бўлади ҳамда тайин қилишдан олдин эр бирор аёлига яқинлик қила олмайди.

نَ اَجْوَزْلَلْ سَيَلَوْ حَص اَهْنِيْ عِبُّ نُنْ هَمَّ ةِ حَاو قَلَطُو يِ اَسْنِ دِ حِ اِقْلَط : هَرِيْ غَل لَاق اِذْ اُو
رَايْ اَلْجَلَا نُوْكَيْ وَ حَص اَهْنِيْ عِب اَلُّ نُنْ هَمَّ ةِ حَاو قَلَط اِذْ اَذْكَ وَ اَهْرِيْ غَل لَاق اَلْطَلَا فَرْصِي
طِيْ حُمْلَا يَف اَذْكَ جُوزْلَلْ

"Агар эр бир кишига: "Аёлларимдан бирини талоқ қил" деса, улардан бирини тайин қилиб талоқ қилса дуруст бўлади. Лекин, эр талоқни ўша аёлдан бошқага бура олмайди. Агар улардан бирини тайин қилмай талоқ қилса дуруст бўлади ва эрда тайин қилиш ихтиёри бўлади. "Муҳит"да шундай дейилган" (Фатвои ҳиндия).

ЁШ БОЛАНИ ТАЛОҚ ҚИЛИШГА ВАКИЛ ҚИЛИШ

Бир киши балофатга етмаган ақлли болани аёлини талоқ қилишга вакил қилса, у боланинг вакиллиги ва талоқ қилиши дуруст бўлади. Бу ҳукм қулларни вакил қилишга ҳам тегишлидир, яъни қулларни ҳам талоқ

қилишга вакил қилиш жоиздир.

عِيَّةِ جَارِسْ لِي فِي أَذْكَ حَصْرَ قَالِطَلَابِ أَذْبَعُ وَأَلْقَاعِ أَيَبَصَلِكُ وَإِدْوِ

"Оқил гўдакни ёки қулни талоққа вакил қилса, дуруст бўлади. "Сирожия" да шундай дейилган" (Фатвои ҳиндия).

ВАКИЛНИНГ МАСТ ҲОЛАТДА ТАЛОҚ ҚИЛИШИ

Бир киши аёлини талоқ қилишга вакил қилса ва у вакил маст ҳолатда у аёлга талоқ қўйса, рожиҳ қавлга биноан талоқ воқе бўлади.

حِيَّ حَصْلًا وَهِيَ فِي أَوْفَلَتْ خِوَرُ كُسُيْ فُلَيْ كُؤُلَا أَوْ قَلَطَفِ وَتَأْرُمِ الْقَطَبِ الْجَرَّ لَلِكُؤُلُوجِ أَوْ غَقِيَّ نَأْ

"Бир киши аёлини талоқ қилиш учун бир кишини вакил қилса, вкил маст ҳолатда талоқ қилса, олимлар унда ихтилоф қилганлар. Саҳиҳ қавлга биноан маст ҳолатда вакил талоқ қўйиши билан талоқ воқе бўлади" (Фатвои ҳиндия).

АЁЛ ЁКИ ЭР МУРТАД БЎЛГАНДАН КЕЙИН ВАКИЛНИ ТАЛОҚ ҚИЛИШИ

Эр бир кишини талоқ қилишга вакил қилиб, ўзи ёки унинг аёли муртад (наъзу биллаҳи мин залик) бўлиб кетса ва ундан кейин вкил аёлга талоқ қўйса, идда ичида вакил томонидан қўйилган талоқ воқе бўлади. Лекин, идда тугагандан кейин вакил томонидан талоқ қўйилса, бас талоқ воқе бўлмайди.

قَالَ طَفُّ لِي كُؤُلَا أَوْ قَلَطَفِ مَثَلِ الْعَاتِ لَلِابِ ذَايْغُلَاوُةَ أَرْمَلَاوُةَ وَأُحُؤُزَلَا دَتْرَاوُلَ أَذْكَو
دُؤُغُلَايْ فِتْمَادَا مٌعُؤُؤَلَاوُلِي كُؤُلَا

"Наъзу биллаҳ эр ёки аёл диндан чиқса, сўнг вакил аёлни иддадалигида талоқ қилса, вакилнинг талоқғи воқе бўлади" (Фатвои ҳиндия).

ТАФВИЗ ЁКИ ВАКИЛ ҚИЛИШ БИЛАН ЭРНИНГ ТАЛОҚ ҚИЛИШДАГИ ҲАҚҚИ ТУГАБ ҚОЛМАЙДИ

Эр талоқ қилишга вакил қилса ёки талоқни аёлга тафвиз қилса, бас бу билан унинг талоқдаги ҳаққи тугаб қолмайди. Шунинг учун талоққа вакил ёки талоқни тафвиз қилгандан кейин эр ўзи талоқ қилишни хоҳласа, бас талоқ қила олади. Шарти шуки, вакил ёки талоқ ихтиёрини қўлга киритган аёл талоқ қилмаган бўлса.

ТАЛОҚНИ ТАЪЛИҚ ҚИЛИШ

Талоқни воқе бўлишини келажакда бирор ишни бўлишига ёки бўлмаслигига ёки бирор вақтга ёки ҳодисага ёки бирор шартни топилишига боғлиқ қилиш талоқни таълиқ қилиш дейилади. Масалан, эр аёлига: "Фалончини уйига борсанг ёки фалончи билан гаплашсанг ёки шомгача ёки шомдан кейингача уйга келмасанг ёки боламга бирор нарса бўлса сенга талоқ" дейиши каби.

ТАЛОҚНИ ТАЪЛИҚ ҚИЛИШ ҲУКМИ

Талоқ таълиқ қилинган ишлар содир бўлса, бас аёлга ражъий талоқ воқе бўлади.

ТАЪЛИҚ ҚИЛИНГАН ТАЛОҚНИНГ ВОҚЕ БЎЛИШ ШАРТЛАРИ

Таълиқ қилинган талоқнинг воқе бўлиши учун бир неча шартлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагилар:

1. Талоқ қўйиш учун эрни ақлли, болиғ бўлиши шарт бўлгани каби, талоқни таълиқ қилишда ҳам улар шартдир;
2. Талоқ таълиқ қилинган ёки шарт қилинган нарсалар муҳол ишлардан бўлмаслиги. Масалан, бир киши аёлига: "Қачон осмон ерга тушса сенга талоқ" ёки "Игна тешигидан туя ўтса, сен талоқсан" деса, бас унинг сўзи бекор бўлади ва аёлга бу билан талоқ воқе бўлмайди;
3. Талоқ таълиқ қилинган нарса, ҳозир ёки келажакда топилиши мумкин бўлсин. Масалан, эр аёлига: "Фалончи киши билан гаплашсанг сенга талоқ" деса, лекин, у киши Амеркада бўлса, бас у киши билан қачон аёл гаплашса, талоқ воқе бўлади. Агар у киши аёл билан гаплашишидан олдин вафот этиб кетса, эрнинг айтган сўзи бекор бўлиб кетади. Шунингдек, бир киши аёлига: "Фалон уйга кирсанг сенга талоқ" деса ва у уй бузилиб кетса, эрнинг сўзи бекор бўлади. Кейинчалик, ўша уй ўрнига бошқа уй солинса ва аёл унга кирса, бас талоқ воқе бўлмайди;
4. Шарт ва жазо жумлалари муттасил бўлиши лозимдир. Шунинг учу агар бир киши шарт ва жазо орасига бирор бошқа гапни аралаштириб юборса ёки одатда бўлмайдиган узоқ сукут қилса ёки мажлисни ўзгартирса, бас бу сурат таълиқ дейилмайди. Балки, мутлоқ талоқ бўлиб, аёлга тездан талоқ воқе бўлади. Масалан, бир киши аёлига: "Сенга талоқ" деб, бошқа кишига икки оғиз гап гапирса ёки чой ичса ёки бир-икки минут жим турса ёки уйининг ичига кириб, ташқарига чиқса ва эр аёлга: "Қачон у уйга кирсанг" деб шарт қўйса, бас аввалги жумлага биноан, яъни эрнинг "Сега талоқ" деган сўзига асосан ўша заҳоти талоқ воқе бўлади. Эр томонидан айтилган иккинчи жумла бекор бўлади. Чунки, аввалги жумла билан иккинчи жумла орасида одатда бўлиши мумкин бўлмаган узулиш тушиб қолди;
5. Хоҳиш ва иродасини билиш мумкин бўлмаган нарсалар ёки зотга талоқни таълиқ қилиш дуруст эмас. Масалан, Аллоҳ тало, фаришта, жин, ҳайвон ва ўсимликлар каби. Бир киши аёлига: "Аллоҳ таоло хоҳласа, сенга талоқ" ёки "Фаришта хоҳласа, сенга талоқ" ёки "Қўй хоҳласа, сенга талоқ" ёки "Бу дарахт хоҳласа, сенга талоқ" деса, бас ушбу жумлалар билан на ўша заҳоти талоқ воқе бўлади ва на талоқ таълиқ қилинган бўлади. Балки, эр томонидан айтилган ушбу жумлалар бекор бўлади. Ҳа, агар талоққа муттасил қилиб ушбу жумлаларни айтмаса, ўша заҳоти талоқ воқе бўлади.

"Шарт бир маротаба топилиши билан қасам ечилади, яъни ботил бўлади"(Дуррул мухтор).

ШАРТ УРФ ВА ҲОЛАТ ЭЪТИБОРИ БИЛАН БЎЛИШИ

Эр-хотин ўртасида кундузида жанжал чиқиб, аёл уйдан чиқиб кетишни ирода қилди. Кундизида жанжаллашиб уйдан чиқиб кетиш халқ оарсида турли миш-мишларни тарқалишига сабаб бўлади. Эр буни эътиборга олиб аёлга: "Агар уйдан чиқсанг талоқсан" деди. Аёл қўрққанидан уйдан чиқмади. Кеч кирганда яна жанжал чиқиб, эр ғазаб билан уйдан чиқиб кетди. Аёл кундизида турли миш-миш тарқамасин деб ташқарига чиқсанг талоқсан деган эди. Ҳозир кеч кириб, ундай хавф қолмади деб, эрни уйга қайтариш мақсадида эрнинг орқасидан чиқди ва эр томонидан талоққа қўйилган шарт топилиши билан зоҳиран талоқ воқе бўлиши лозим эди. Лекин, талоқ воқе бўлмайди. Чунки, эрнинг мақсади кундизида жанжал сабабли турли гап-сўз тарқамаслиги учун аёлига ташқарига чиқсанг талоқсан деган эди. Кечки пайтга бориб, яна жанжаллашиб, эри ортидан уни қайтариш мақсадида чиқиши эрнинг ниятига мос келмайди. Шунинг учун аёлга талоқ тушмайди. Буни Муфтий Азизурроҳмон таъкидлаганлар. Бундай талоқни талоқу фавр дейилади. Масалан, эр-хотин уй ичида жанжаллашиб қолишди ва аёл ўша заҳоти чиқиб, воқеани эрнинг ота-онасига айтиб бераман деди. Шунда эр: "Уйдан ташқарига чиқсанг талоқсан" деса ва мақсади ҳозир чиқиб жанжални айтиб берсанг деган маънони ирода қилса, аёл ўша заҳоти ташқарига чиқмай бироз муддат ўтгандан кейин чиқса талоқ тушмайди. Чунки, эр хотинни мутлоқ уйдан чиқмаслигини эмас, балки ўша заҳоти чиқиб жанжални айтмаслигини ирода қилган эди. Агар мақсади мутлоқ уйдан чиқмаслиги бўлса, аёл қачон ташқарига чиқса талоқ воқеъ бўлади.

أَرْوَفُ هُلْعَفٌ... جَوْحُ لَلِ دِي رُمَلٍ... قُلْ اَطْرَتْ نَأْفَ اَلْتَمَّ تَجَّحْ نِ اِهْلَ وَاوَقِ يَفِ تَنْ حَلَلِ طُرْشَو
عَيْ لَعْنَامِي اَلْ رَادَمَوْ اَفْرَعْلَعْفَلْ اَلْ دَنْ عْ غَنْ مَلْ اَهْ دَصَقٌ نَّ اَلْ

"Чиқиб кетмоқчи бўлиб турган аёлга, эри агар чиқсанг талоқсан деган ўринда, талоқ тушиши учун хотин ўша вақтда чиқиб кетиши керак. Чунки, эрнинг мақсади урфда ўша феълдан манъ қилишдир, яъни чиқиб кетмоқчи бўлиб турган пайтидаги чиқиб кетишидан манъ қилишдир. Мутлоқ қачондир чиқишидан манъ қилиш эмас. Қасамдан нима ирода қилингани урфга боғлиқ бўлади" (Дуррул мухтор).

ҲАР ОЙДА ПУЛ ЖЎНАТИБ ТУРМАСАМ ТАЛОҚСАН

Эр ҳар ойда аёлига пул жўнатиб туриш ваъдасини ёзма тарзда бериб, агар пул жўнатмасам аёлим талоқ деса, ҳар ой пул жўнатиши лозим бўлади. Агар пул жўнатмаса, аёлига талоқ воқе бўлади.

ТАЛОҚ ТАЪЛИҚ ҚИЛИНГАН ШАРТНИ ТОПИЛМАСЛИГИ

Эр аёлда топилмайдиган шартга биноан аёлини талоқ қилса, талоқ воқе бўлмайди. Масалан, Зайднинг ота-онаси ёки унинг яқин қариндошлари қасам ичиб Зайдга: "Аёлинг тайёрлаган таъомлар бизга ҳаром" деганларидан кейин, Зайд уларга жавобан: "Аёлим қўли билан тайёрлаган таъомлар сизлар учун ҳаром бўлса, бас унга уч талоқ" деса, у билан талоқ воқе бўлмайди. Чунки, бир киши томонидан қўл билан тайёрланган таъом бошқалар учун ҳаром бўлмайди.

Эр аёли ҳақида айтилган турли ифволарга ишониб: "Агр хотиним ўғри ёки зинокор ёки хамрхўр бўлса, уни талоқ қилдим" деса-ю, аёл у каби ёмон сифатлардан эминда бўлса, бас талоқ воқе бўлмайди. Ҳа, агар эр томонидан айтилган сифатлар аёлда мавжуд бўлса, талоқ воқе бўлади.

ТАЪЛИҚ ВА ЖАЗО

Юқорида келтирилган талоқни баъзи ишларга таълиқ қилишликдан мурод хотинни жазолаш бўлса, ўша вақтда талоқ тушади. Масалан, хотин эрини: "Эй пасткаш" деб сўкса, жавобига эр: "Агар сен айтгандай пасткаш бўлсам сен талоқсан" деса, ўша заҳоти талоқ тушади. Чунки, эр бундай ўринларда агар пасткаш бўлсам талоқсан, пасткаш бўлмасам талоқ эмассан деган маънони ирода қилмайди. Балки, хотинга талоқ бериб озор беришни ирода қиладди. Мабода эр мен жахони ирода қилмаган эдим, балки таълиқни ирода қилган эдим деб айтса, ўзи билан Аллоҳни ўртасига ҳавола қилинади. Ихтиёр қилинган ва фатво берилган гап шуки, агар эр ғазаб ҳолатида айтса, жазолашга акс ҳолда эса, шартга йўйилади дейилган. Агар шартни ирода қилган бўлса, эр ҳақиқатда пасткаш бўлмаса талоқ тушмайди.

رَجَّحْنَا قَوْلَ طَرَفٍ أَنْ يَقُولَ لِمَا كُنْتُمْ كُنْتُمْ أَنْ تَلْقَوْا فِئَةً لَفَسَوْا وَنَابَ طَرَفٌ وَحَنَبٌ هُوَ تَبَسٌ وَوَلَفٌ
أَفَاءُ ذِي الْإِلْدِي رِي الْبِلْعَالِ يَفَجَّوْرًا نَأَلُ نُنْكَي مَلْ وَأَتَلَقَ أَمَّكَ جُورًا نَأَكُ أَوْسُ
نِي دِي قِي لَعْتَلْ دَارًا نَأَفُ قَالِ طَلِبَابُ

"Агар аёл эрини даюс ёки пасткаш деб ҳақорат қилса, жавобига эр: "Сен айтгандек бўлсам талоқсан" деса, бас бу ўша вақтда талоқ қўйиш бўлиб, таълиқ ҳисобланмайди. Хоҳ эр хотин айтгандек бўлсин ёки бўлмасин. Чунки, эр кўпинча бундай ўринларда хотинга талоқ қўйиб озор беришни ирода қиладди. Агар эр таълиқни ирода қилса, ниятини ўзи билан Аллоҳнинг ўртасига ҳавола қилинади" (Раддул мухтор).

لَعْلَعٌ وَهُوَ فَبَضْعِ الْعَلِّحِ يَفَنَأَكُنْ إِنْ هُنَّ أَيْ وَتَفَلْ أَوْ رَأَتْ حُمْلًا أَوْ هِيَ فَوَ وَرِي حَذَلِ يَفِي
يَفِي وَطِي حُمْلًا نَعْنُ عِي نَأَحْرَأَتْ لَلِ يَفِي هُلْ شَمَوْ هَا طَرَّشَلِ لَعْلَعُ الْإِوْةَ أَرَأُ حُمْلًا
لَعْلَعُ سُنْكَي مَلْ أَمَّ قِي الْ قِي لَعْتَلْ دَارًا نَأَفُ: عِي حَلْ أَوْلُ

"Захира"да ёзилишича, мухтор ва фатво берилган қавл шуки, агар эр ғазаб ҳолатида бўлса, унинг гапи жазодир. Агар ғазаб ҳолатида бўлмаса, айтган

сўзини шартга йўйилади, яъни шарт топилса талоқ тушади. Акс ҳолда талқ воқеъ бўлмайди. "Татархония"да ҳам "Муҳит"дан бунинг ўхшаши нақл қилинган. "Валволижия"да агар эр таълиқни ирода қилиб, ўзи пасткаш бўлмаса, талоқ тушмайди дейилган" (Раддул муҳтор).

ТАЪЛИҚНИ АКСИНИ ҚИЛИШ БИЛАН ТАЛОҚ ВОҚЕ БЎЛМАЙДИ

Зайд аёлига: "Менга нон пиширсанг талоқсан" деса, аёл овқат пиширса, талоқ бўлмайди. Шунингдек, Зайд аёлига: "Ҳайз ҳолатда онангникига борсанг талоқсан" деса, аёл пок ҳолатда борса, талоқ воқе бўлмайди.

صَحَّحَتْ وَأَلْحَقَتْ سَحَّحَ قُلُوبُ مَلِكِ حَبَّ وَأَرَادَ لِقُوبِ قَلِطَنْتَ أُنْجَبُ الْيَفَفِ.
"Баҳр"да, эр аёлига: "Ховлига киришинг билан ёки ҳайз кўришинг билан талоқсан" деса, ховлига кирмагунича ёки ҳайз кўрмагунича талоқ воқе бўлмайди" (Раддул муҳтор).

ЭР ТОМОНГА НИСБАТ БЕРИЛГАН ШАРТНИ БОШҚА КИШИ БАЖАРИШИ

Аёл онасиникига кетиб қолган бўлса, эр унга: "Агар сени уйимга олиб келсам талоқсан" деса ва аёл ўзи борса ёки қариндошларидан бирортаси олиб келиб қўйса, талоқ воқе бўлмайди.

Эр аёлига: "Сенга кийим-кечак ёки зеб-зийнат олиб берсам талоқсан" деса-ю, бошқа киши уларни аёлга олиб келиб берса, талоқ воқе бўлмайди. Чунки, шарт топилмагани учун талоқ ҳам рўёбга чиқмайди.

رَمَّ طَرَّشَ لِدُجْ وَأَذَى نِيْمِي لَلْخَنْتِ

"Шарт бир марта топилиши билан қасам ечилади" (Дуррул муҳтор).

كَحَّ أَوْ سَفَنَبَ رَخَّ بِأَجْ نَمُّ نَأْفَءَ أَجَفَ قَلِطَنْتَ نَأْفَءَ اسَلَا يَبَوَثُ يَدَّرَتْ مَلْنُ
ثَنْتَ حَيَّي آلِ أَوْغَفَدَلَبَقَبْ وَثَلَا

"Агар кийимимни ҳозир қайтармасанг талоқсан деса, хотин кийимни эрга топширишидан олдин бошқа томондан бир киши ўз ихтиёри билан келиб кийимни олса, эр қасамхўр бўлмайди" (Раддул муҳтор).

УМАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИГА ЕР БЕРСАМ АЁЛИМ ТАЛОҚ

Бир киши: "Умарнинг авлодларига ер берсам аёлим талоқ бўлсин" деб, Умарнинг куёвига ер берса, у кишининг аёлига талоқ воқе бўлмайди. Чунки, куёв фарзандлар ичига кирмайди.

МУТЛОҚ ЖУМЪА ЛАФЗИ БИЛАН КЕЛАСИ ЖУМЪА ХОСЛАНМАЙДИ

Бир киши қарзини сўраб келган одамга қараб: "Жумъа куни қарзни бермасам аёлим талоқ бўлсин" деб, биринчи жумъа қарзни бермай, иккинчи ёки учинчи жумъа қарзни адо қилса, аёлга талоқ воқе бўлмайди. Чунки, жумъа сўзи мутлоқ айтилди. Фикҳ китобларида ушбу мавзуга доир қуйидаги қоидалар келтирилган:

هَقَّالْطِإِلَى عَيْحَ قَلِطَمْ

"Мутлоқ мутлоқлигича қолади".

صَاعُ الْإِلَهِ عِلْمٌ طَافَ الْإِلَهِ عِلْمٌ نَبِيٍّ مِّنْ أُمَّةٍ الْ

"Қасам ниятга эмас лафзга асосандир".

АЁЛИМНИ ТЕЗ УЙГА ЖЎНАТМАСАНГЛАР ТАЛОҚ

Эр қайнотасига: "Аёлимни тезда уйга жўнатмасанглар талоқ" деса ва улар бир ой ёки ундан камроқ муддатда аёлни ўз уйига жўнатсалар, аёлга талоқ воқе бўлади. Чунки бир ой яқин муддат эмас, узоқ муддат ҳисобланади. Бу ерда эса, эр: "Тезда жўнатмасаларинг талоқ" деб таъкидламоқда.

يَا كَلِّدْ رَبَّتْ غِيَّيَ فَبِيْرَقُ هُوَ نُوْدُ أَمِّوْ دِيْعَبِ تَوَمُّوْ لِيْلِيْ وَلَوْ هُوَ قَوْفَ أَمِّوْ رُوْشَلِ
عِيْرَسَلِ أَوْ لِحْ أَعْلَالِ طَفَلٍ وَبِيْرَقُ لِيْلِيْ وَأَدِيْعَبِ لِيْلِيْ هُوَ مَلِكِيْ الْ وَأُوْهُ نَدِيْ نِيْضِقِيْلِ
دِيْعَبِ لِيْلِيْ كَلِّجْ أَلِ أَوْ بِيْرَقُ لِيْلِيْ

"Бир ой ва ундан тепаси гарчи вафот этишигача бўлса ҳам узоқ муддат ҳисобланади. Ундан ози эса яқин муддат ҳисобланади. Қарзини узоқ ёки яқин муддатда адо қиламан ёки узоқ ёки яқин муддатгача сўзлашмайман деса, ўшанга эътибор қилинади. Нақд, тездан сўзлари "яқинда" сўзи кабидир. Кейинчалик лафзи эса, "узоқда" сўзи кабидир" (Раддул мухтор).

БУГУНДАН КЕЙИН БАДАНИМ СЕНГА ТЕГСА ТАЛОҚСАН

Кечаси эр-хотин сен-менга бориб қолдилар. Шунда эр ғазаб билан аёлга: "Бугундан кейин баданимни ушласанг уч талоқсан" деса, аёл кўрққанидан эрнинг қўлини ушлаб: "Мени кечиринг" деб кечирим сўраса ва эр: "Мен кундизида қўлимни ушласанг талоқсан" деган ниятда уларни айтгандим деса, бас унинг гапига эътибор берилмайди. Аёл эрни қўлини ушлаши билан уч талоқ воқе бўлади. Чунки, сариҳ лафзда ниятга эътибор берилмайди ва яна эрнинг бу ердаги "кун" деб айтган сўздан "вақт" эътиборга олинади. Демак, эрнинг юқоридаги сўздан шу вақтдан бошлаб мени қўлимни ушласанг уч талоқсан деган маъно тушунилади ва аёл эрни қўлини ушлаши билан шарт топилиб, унга уч талоқ воқе бўлади ҳамда шаръий ҳалоласиз эр-хотин бир-бирига ҳалол бўлмайдилар.

هُوَ رِيْعُ أَجْوَرَ حَكْنَتِ سَحْدُ بِنْمُهُ لِحَتْ أَلْفَ أَوْ قَلْطَنْ إِنْ

"Бас, агар яна талоқ қилса, бундан кейин у аёл токи бошқа эрга тегиб чиқмагунча унга ҳалол бўлмайди" (Бақара 230 -оят).

دِيْعَبِ لِيْلِيْ هُوَ مَلِكِيْ الْ وَأُوْهُ نَدِيْ نِيْضِقِيْلِ
عِيْرَسَلِ أَوْ لِحْ أَعْلَالِ طَفَلٍ وَبِيْرَقُ لِيْلِيْ وَأَدِيْعَبِ لِيْلِيْ هُوَ مَلِكِيْ الْ وَأُوْهُ نَدِيْ نِيْضِقِيْلِ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

"Уч нарсани жиддийси ҳам жиддий, ҳазили ҳам жиддийдир: никоҳ, талоқ ва ражъат" дедилар .

رَأَاهُ لَوْلَى لَلِىَ لَعَوَّهَ فُ قَلِ اطَّ تَنْ أَفْ أَنْ لُ فُ مَّ لَكُ أُمَّوِي لَاقُ وُل

"Агар (эр аёлига) фалончига капирган куним талоқсан деса, кундизини ҳам кечасини ҳам ўз ичига олади" (Раддул мухтор).

ШАРТГА МУВОФИҚ ИШНИ ЯШИРИН ТАРЗДА ҚИЛИШ БИЛАН ТАЛОҚ ВОҚЕ БЎЛАДИ

Эр аёлга: "Хамр ичсам ёки нарқотик моддаларни истеъмол қилсам талоқсан" деб, яширин тарзда, ҳеч қандай гувоҳсиз уларни истеъмол қилса, бас унинг аёлига талоқ воқе бўлади.

رَمَّ طَرَّش لَاجُ وَاذْ نِي مَيَّ لَاجُ نَت

"Шарт бир маротаба топилса, қасам ечилади" (Дуррул мухтор).

ТАЛОҚ ҚЎЙИШ ШАРТИГА КЎРА МАҲРДАН ВОЗ КЕЧИШ

Хотин эри билан келишиб: "Агар менга талоғимни берсанг маҳримдан воз кечаман" деди. Шунга биноан эр аёлига талоқ қўйди ва ундан кейин хотин маҳримни воз кечмадим деб, сўзидан қайтса, эрдан талаб қилинган талоқ воқе бўлмайди.

МАҲРНИ КЕЧГАНДАН КЕЙИН ТАЛОҚ

Аёл эрга: "Маҳрдан воз кечдим. Энди мени талоқ қилинг" деди. Унга жавобан эр: "Сени талоқ қилдим" деди. Бас, талоқ воқе бўлади. Аёл бундан кейин маҳрни воз кечмадим деб, туриб олса, унга эътибор берилмайди. Талоқ тушиб, маҳр бекор бўлади.

رَمَّ طَرَّش لَاجُ وَاذْ نِي مَيَّ لَاجُ نَت

"Шарт бир маротаба топилса, қасам ечилади" (Дуррул мухтор).

ОТАНИНГ УЙИГА У ВАФОТ ЭТГАНДАН КЕЙИН БОРИШ

Эр аёлига: "Агар отангни уйига борсанг талоқсан" деди. Аёл қачон отаси уйига борса, талоқ воқе бўлади. Гарчи ота вафот этгандан кейин борса ҳам. Чунки, ота вафот этгандан кейин ҳам у уй урфда отанинг уйи дейилади.

وَهُ رَبَّتْ عُمْلَانَّ أَنْ هَانْ عَمَّ فُرْعَالِى لَعْنِ أَمِّيْ أَلِ اءَانَبَ عِدَاعِ نَّ كَلَّ رَهَ طَكَلَدَ تَمَلَعِ اذِ
يَّ مَسْمُ لَاطْفَلَلِ اَنْ مَ فُرْعَالِى فِ دُوصَقَمَلِ اى نَعْمَلِ

"Агар буни билган бўлсанг, қасамларнинг асоси урфга биноандир деган қоиданинг маъноси, айтилган сўздан урфда нима қасд қилинса ўша нарса эътиборга олинадидеганидир" (Раддул мухтор).

أَهُنْ كُسَيِّ رَادَ اَقْلُ طُمْ هُرَادَفِ دِي رَادُ لُحْدِي اَلَفَلَحِ اذِ اَنْ مَلَعِ ا

"Билгинки, Зайднинг уйига кирмайман деб бир киши қасам ичса, унинг мутлоқ ховлиси, яъни яшаб турган ховлиси ирода қилинган бўлади" (Раддул мухтор).

БИР ОЙГАЧА КЕЛМАСАНГ ТАЛОҚСАН

Аёл эрнинг рухсатисиз ота уйига қочиб кетиб қолса, шунда эр аёлга: "Агар бир ойгача келмасанг талоқсан" деб шарт қўйса ва ҳали бир ой ўтмай эр вафот этиб қолса, мазкур суратда аёл бир ойнинг ичида ўз уйига келган бўлса, ҳеч қандай гап-сўз йўқ. Борди-ю, келмаган бўлса талоқ воқе бўлади. Гарчи, эри вафот этганлиги туфайли келмаса ҳам. Унинг самараси шу бўладики, аёл бир ой ичида келмаганлиги сабабли талоқ бўлиб, тариқадан маҳрум бўлади ва эрнинг молидан ўз маҳринигина олиши мумкин бўлади. Агар аёл бир ой ичида ўз уйига келса ва эр вафот этса, вафот иддасида ўтиради ҳамда эридан мерос олади.

БАЛОҒАТГА ЕТМАГАН БОЛАНИНГ ТАЪЛИҚИ ЭЪТИБОРГА ОЛИНМАЙДИ

Балоғатга етмаган бола аёлининг талоғини шартга таълиқ қилса, унга эътибор берилмайди. Чунки, унинг таълиқи талоқ каби эътиборга олинмайди.

Шунингдек, бир киши балоғатга етмаган болага: "Рухсатсиз фалон муддатгача кетиб қолмайсан. Агар кетиб қолсанг аёлинг сенга ҳаром бўлади" деб, шарт қўйиб уйлаб қўйса, сўнг бола рухсатсиз ўша муддат ичида кетиб қолса, унинг аёлига талоқ воқе бўлмайди. Чунки, қўйилган шарт лағв (бекор) ҳисобланади.

БИР КИШИНИ ТАЛОҚҚА ЭГА ҚИЛИШ ЁКИ УНИНГ РОЗИЛИГИГА ТАЛОҚНИ ТАЪЛИҚ ҚИЛИШ

Бир киши қайсидир кишилар розилигига талоқни муъаллақ қилди. Масалан, эр аёлига: "Агар онам хоҳласа, аёлим талоқ" ёки "Онамни ўзимдаги талоққа эга қилдим. Қачон онам хоҳласа, талоқ қилади" деса ва она ўғлини аёлини талоқ қилишни хоҳласа, бас талоқ воқе бўлади. Ҳақиқатда, бу таълиқ эмас, тафвиздир.

وَيُضْمَبُ لَطَبَيْهِ وَيَلِي دَلَّ الرَّشَلَّ لَعَّ وَهُوَ فَرَشِ نَالْفِ دَيْبِ تَأْرْمُ أَرْمُ لَأَقُ وَلَوْ
يَفَالُ الْيَفِ أَدَكِ مَلَعِ الْبِ

"Агар (эр) аёлимнинг иши бир ойгача фалон кишининг қўлида деса, айтилган сўзга яқин бўлган ой эътиборга олинади. У ойнинг ўтиши билан (фалончи эрнинг сўзини билмаса ҳам) қасам ботил бўлаверади. "Кофий"да шундай дейилган" (Фатвои ҳиндия).

ضِي وَفَاتُ وَهُوَ فَكَفَّ لِكَلِّ ذَلَّ عَجَّ دَقَفِ يَتَأْرْمُ أَرْمُ لَطَبَيْهِ غَلَّ لَأَقُ وَلَوْ

"Агар (эр) бир кишига: "Аёлимни талоқ қил, бу ишни сенга топширдим" деса, бу тафвиз бўлади" (Фатвои ҳиндия).

БАЛОҒАТГА ЕТМАГАН БОЛАНИНГ ВАЛИЙСИ БИРОР ШАРТГА ТАЛОҚНИ ТАЪЛИҚ ҚИЛИШИ

Қизнинг валиси боланинг валисига бир неча шартларни қўйиб, никоҳлаб берса, масалан, қизнинг валиси балоғатга етмаган эрнинг валисига: "Фалон муддатгача шу ишни қилмасангиз мен валиси бўлган балоғатга етмаган қизалоққа талоқ бўлади" деса ва белгиланган муддатда боланинг валиси у шартларни бажара олмаसा, бас балоғатга етмаган боланинг аёлига талоқ воқе бўлмайди. Чунки, талоқ бериш ҳақи валида йўқ. Шунингдек, талоқни таълиқ қилиш ҳам.

قَالَ لِبَابِ دَخْ أَوْ نَمَلُ قَالِ طَلَاةَ حَامٍ نَبَا شِي دَجَلِ وَدَبَعَةَ أَرْمَى لَعَى لَوَمْلَا قَالِ طُغَيْ قِي آلِ
أَقَاهُ أَرْمَى وَلَوْ بِيَّ صَلَاو... نُونُ حَمَلُ أَوْ خَلَا

"Ибн Можа раҳматуллоҳи алайҳдан "Талоқ билагидан тутган кишигадир" деб ривоят қилинган ҳадисга биноан мавло томонидан қулининг аёлига қўйилган талоқ воқе бўлмайди. Гарчи эр мажнун, гўдак ва ўспирин бўлса ҳам" (Раддул мухтор).

وَأَجَّ وَرَتَى تَمَّ هِيَ لَعَى قَلَّ عَوَّ أَرْمَى هُوَبُ أَجَّ وَرَ إِذَا مَيَّ فِ عَوُّ وَقُو مَدَّ عِب تَيْ تَفَّ أَدَقُو : لَاقِ
أَلَّ وَأَقِي لَعَى تَلَابِ أَمَلِ أَعَجَّ وَرَتَفَ رَبَّ كَفَّ أَدَّ كَفَّ هِيَ لَعَى رَسَات

"Бир кишининг отаси ўғлини бир аёлга никоҳлаб: "Агар бу хотиннинг устидан бошқа хотинга уйланса ёки бунинг устидан бошқа чўридан фарзанд кўрса фалон бўлсин" деб таълиқ қилса, бола катта бўлгач, отаси таълиқ қилганлигини билиб ёки билмай бошқасига уйланса, талоқ тушмаслигига фатво бердим" (Раддул мухтор).

МЕНИ АЁЛИМ ОЙДАН КЎЗАЛ БЎЛМАСА, УНГА ТАЛОҚ ДЕЙИШ

Бир киши: "Мени аёлим ойдан кўзал бўлмаса, унга талоқ" деса, у билан аёлга талоқ воқе бўлмайди. Чунки, инсон махлуқотнинг шарафлиси ва гўзалидир. Шу боис дунёда хоҳ у оқ ёки қора бўлсин инсондан кўзал бирор нарса йўқ.

قُلْ طَاتَمَلُ قُلْ طَاتَمَلُ

"Юзинг ойдан чиройли бўлмаса, талоқсан (дейилса, аёлга) талоқ тушмайди" (Фатаво Рамлий).

ФАЛОН ИШНИ ҚИЛМАСАМ МЕНГА УЧ ТАЛОҚ

Бир киши талоқни зоҳиран ўз томонига мансуб қилиб: "Фалон жойга бормасам ёки фалон ишни қилмасам, бас менга талоқ бўлсин" деса, бас бу билан унинг аёлига талоқ воқе бўлади. Чунки, эр томонидан ўзига-ўзи талоқ нисбатини бериши, талоқни воқе қилиш ҳисобланади. Лекин, эр аёлга: "Талоқ бериш мени зиммамда" деса, бу билан аёлга талоқ воқе бўлмайди.

قَالَ طَلَا سَيَّ لَعَوُ ، يَنْ مَزَلِي مُرَحَلَاو ، يَنْ مَزَلِي قَالِ طَلَا : لَعَمَّ عَتَسُ مَلَا ظَا فَلَ أَلَا نَمَو
فِرْعُلَلِ لَعَوَّ نِي نَبُ عَقِي فُ مَرَحَلَا سَيَّ لَعَوُ

"(Қўйидагилар талоқда) ишлатиладиган лафзлардандир: талоқ мени лозим

тутди, ҳаром мени лозим тутди, зиммамда талоқ қўйиш бор, менга ҳаром. (Бас, булар билан) урфга биноан ниятсиз ҳам талоқ воқе бўлади" (Раддул мухтор).

عَقَيْ مَلَّيَّ لَع كُفَّ طَلَّاقٌ وَوَلَّو

"Агар (эр аёлига) талоғинг менинг зиммамда деса, бу билан талоқ воқе бўлмайди" (Раддул мухтор).

ТАЛОҚ ТУШИШНИ ХАТ ЕТИБ БОРИШИГА ТАЪЛИҚ ҚИЛИШ

Агар эр талоқномада: "Хатим сенга етиб борса, сен талоқсан" деган шартни қилса, хат қачон аёлга етиб борса, у хоҳ хатни ўқисин ёки ўқимасин ўша заҳоти аёл талоқ бўлади ва шу пайтдан идда ҳам вожиб бўлади. Таълиқ қилиб ёзилган талоқларда хатни ёзиши билан талоқ воқе бўлмайди. Агар таълиқ тарзда эр талоқнома ёзиб аёлга юборса, сўнг хат йўлда йўқолиб қолса, аёлга умуман талоқ воқе бўлмайди. Чунки, талоқ хатни аёл қўлига етиб боришига таълиқ қилингандир. Бу таълиқ эса, хатни йўлда йўқолиб қолганлиги боис топилмади.

Масала, эр томонидан ёзилган талоқнома аёл қўлига етиб бориш ўрнига ота қўлига етиб борса ва ота уни ўқиб ёки ўқимай йиртиб юборса, ота агар қизи муомаласига аралашган бўлса, талоқ воқе бўлади. Чунки, ота қўлига етиб келган хат гўё уни қизига етиб борган ўрнида дейилади. Агар ота қизи билан куёви ўртасидаги муомалага дахли йўқ бўлса, қиз қўлига хат етиб бормагунча талоқ воқе бўлмайди. Гарчи хат ота қўлига етиб борсада.

Ота хат билан танишиб, йиртилган хатни қизи қўлига тутса ва гарчи хат бўлақларга бўлиниб кетган бўлсада, уни бир жойга жамлаб ўқишни иложи бўлса, талоқ воқе бўлади. Агар йиртилган хатни бир-бирига ёпиштириб, ўқишни иложи бўлмаса, талоқ воқе бўлмайди.

Масала: Эр талоқни хатни аёлга етиб боришига таълиқ қилса ва хаттда "талоқ" сўзини ёзиб бўлгандан кейин, уни ўчириб юбориб, хатни почтага топширса ва хат аёл қўлига тушишига аёлга талоқ воқе бўлади. Хатни аёл ўқиши шарт эмас.

ВАФО УМИДИГА КЎРА ТАЛОҚНИ ТАЪЛИҚ ҚИЛИШ

Бир киши қасам ичиб: "Фалон кишидан умидимни уздим. Агар умид қилсам аёлим талоқ бўлсин" деса, бас қасам ичувчи шахсдан: "Дилингда умид борми" деб сўралади. Агар озгина бўлса ҳам бор деса, аёлига ражъий талоқ воқе бўлади. Агар умидим умуман йўқ деса, талоқ воқе бўлмайди.

تَلَّخْتُ نِيَّوْتِ أَرْمَالِ لَوْ قَيْ نَأْنُ لَمْ أَقَاتِ طَرَّشْ لَبِي قَعَّ عَقَّو طَرَّشْ لِي لِي هَفَاضاً إِذْ أَوْ قَلَّ طَرَّشْ نَأْفَ رَادِلًا

"Агар (эр аёлининг талоғини) шартга изофа қилса, шарт кетидан бил

иттифоқ талоқ воқе бўлади. (Эр) аёлига: "Агар ховлига кирсанг талоқсан" дейиши каби (Ушбу ҳолатда шарт топилиши билан талоқ воқе бўлади)" (Фатвои ҳиндия).

ТАЛОҚДАН БОШҚА НАРСАЛАРГА ТАЪЛИҚ ҚИЛИШ БИЛАН ТАЛОҚ ВОҚЕ БЎЛМАЙДИ

Талоқ лафзини очиқ-ойдин ёки киноя тарзда айтмай бошқа нарсага таълиқ қилиш билан талоқ воқе бўлмайди. Масалан, бир киши аёлига: "Мен сенга яқинлик қилсам, онам ёки синглимга яқинлик қилган бўлай" деб, аёли билан қўшилса, бас талоқ воқе бўлмайди. Чунки, бу ерда на талоқ сўзи ишлатилган ва на унга далолат қилувчи киноя сўзлар ишлатилган.

НИКОҲ ТОМОНГА НИСБАТ БЕРИБ ТАЪЛИҚ ҚИЛИШ

Никоҳдан олдин таълиқ қилинган талоқ эътиборга олинмайди деб юқорида ўтилди. Билинг-ки, талоқ ва талоқни таълиқ қилиш учун никоҳ шартдир. Никоҳдан олдин унга нисбат бериб, талоқни таълиқ қилинса ва шарт рўёбга чиқса, жазо ҳам унга тартиб топади. Масалан, бир киши бегона аёлга: "Мен сенга уйлансам талоқсан" деб, шарт қўйса ва унга уйланиб шартни рўёбга чиқарса, жазо, яъни талоқ воқе бўлади.

وَأَقِطِ تَنْأَفَ تَبَّهَذَا نِوَا وَتَدْتُمْ وَأَوْتَحُوكُنْمَلِ هَلْ وَوَقَك... عَقِي قَح كُ لْمُ لَ ا هُ طَرَش
وَأَذَكْفِ نِّيْ غَمْل كُ تَكْلَم نِوَا وَأَذَبَع تَكْلَم نِك... يِّي قِي قَح ل ل كُ لْمُ لَ ا يَّ ا هُ ل ل ا ف ا ض ا ل ا
ق ا ط ت ن أ ف كُ ت ح ك ن نِوَا وَ ا هُ أ ر م ا ت ح ك ن نِوَا ك ل د ك ي ي م كُ ح ل ا

"Талоқ қўйишнинг шарти ҳақиқатда унга молик бўлишдир... масалан, ўз никоҳидаги ёки иддадаги аёлига: "Агар кетсанг талоқсан" деса ёки ҳақиқий милкка нисбатини беришдир. Масалан, бир қулга молик бўлсам ёки муайян бир кишига сени сотиб олсам фалонсан деса ёки ҳукмий милкка нисбатини беришдир. Масалан, бирор бир аёлга уйлансам ёки сенга уйлансам талоқсан дегани каби (шарт топилиши билан талоқ воқе бўлади)" (Раддул мухтор).

ШАРТ ЛАФЗЛАРИ ВА УЛАР ОРАСИДАГИ ФАРҚ

Араб тилида шарт сифатида ишлатиладиган лафзлар "ин (агар)", "иза (агар)", "из ма (қачонки)", "матаа (қачон)", "матаа ма (қачонки)", "куллу (ҳар)", "кулла ма (ҳар қачон)" кабилардир. "Кулла ма" лафзидан ўзга юқорида ўтган шарт предлоглари такрорни ифодаламайди. "Кулла ма" эса, такрорни ифодалайди. Демак, такрорни ифодаламайдиган лафзлар билан талоқ таълиқ қилинса ва шарт бир марта топилса, қасам ва таълиқ тугайди. Кейинчалик яна шарт топилса, жазо рўёбга чиқмайди. Масалан, бир киши "кулла ма"дан бошқа "ин (агар)", "иза (агар)", "из ма (қачонки)" каби лафзлар ёрдамида талоқни таълиқ қилиб аёлига: "Агар уйга кирсанг

киришни ирода қилиши билан талоқ воқе бўлмайди. Унинг ҳийласи, аёлни бир талоқ қилиб, иддаси ўтади ва иддаси чиққач ховлига киради. Шу билан қасам ечилик, уч талоқ воқе бўлмайди. Сўнг эр ўз аёлига уйланади ва шундан кейин қасам ичилган уйга аёл кириши билан қасам ботил бўлгани учун ҳеч нарса воқе бўлмайди" (Дуррул ҳуккам).

ҲИЙЛАНИНГ СУРАТИ

Бир киши уч талоқни бирор шартга таълиқ қилиб аёлига: "Агар отангни уйига борсанг уч талоқ" деса ва у эр аёлини ота уйига бориб келишини ҳам, уч талоқ тушмаслигини ҳам хоҳласа, эр юқорида ўтган иккинчи суратга биноан иш тутади. Шарт топилишидан олдин эр аёлига бир боин талоқ беради ва идда тугагандан кейин аёл отаси уйига бориб келади ёки бир ражъий талоқ беради. Идда тугаши билан ражъий талоқ боинга айланади ва аёл отаси уйига боради. Эр шундан кейин иккинчи никоҳ билан у аёлга уйланса ва талоқ таълиқ қилинган шарт топилса, бас талоқ воқе бўлмайди. Лекин, бу ҳийла "кулла ма ҳар қачон" сўзидан ўзга шарт предлоглари учундир. Чунки, "кулла ма"га бу ҳийла ўтмайди.

ثَالِثُ الْاَعْقَابِ وَالْوَرَادُ الْاُخْرَى نَادِرًا فَاتَّالَتْ قُلُوبُ اَطْرَافِ رَادِلِ تَلَخْدَنْ لِقَاقِنِ الْاَوْ نِيْمِيْلِ الْاَطْبَبِي تَحْرَادِلِ الْاُخْرَى اُهُتَّعِي ضَقْنَتَوَّ دِحْاَوْ اَهْقَلْ طِي نْ اُهُتَّعِي حَفِ نِيْمِيْلِ الْاَطْبَبِي اَشْغَقِي الْاُخْرَى رَادِلِ تَلَخْدَنْ اَهْجَّوَزْتِي مْ ثَالِثُ الْاَعْقَابِ

"Агар (эр аёлига) ховлига кирсанг уч талоқсан деса ва аёл ховлига киришни ирода қилиши билан талоқ воқе бўлмайди. Унинг ҳийласи, аёлни бир талоқ қилиб, иддаси ўтади ва иддаси чиққач ховлига киради. Шу билан қасам ечилик, уч талоқ воқе бўлмайди. Сўнг эр ўз аёлига уйланади ва шундан кейин қасам ичилган уйга аёл кириши билан қасам ботил бўлгани учун ҳеч нарса воқе бўлмайди" (Дуррул ҳуккам).

Агар ҳийла қилингандан кейин идда вақтида аёл отаси уйига бориб келса, таълиқ қилинган уч талоқ воқе бўлади. Чунки, идда мабойнида бир томондан аёлда никоҳ боқий ҳисобланади.

هِنَّوْنِيْبِ اَنْئَابِ رِيصْتِ اِدْعَالِ اِحْرَادِلِ تَلَخْدَوْلِ هِنَا اِيْلَا هِبْ رَاشَا اِدْعَالِ اِيضَقْنَتَوَّ اَمْ كَحْ كَلْمَلِ اِقْبَلِ اِيْلَحْمَلِ اِدْوَجَوْلِ هَطْلَغَمِ

"Идда ўтайди" деган мусаннифнинг сўзидан мурод, аёл иддадалигида қасам ичилган ховлига кирса муғоллаза боин талоқ воқе бўлади. Чунки, ҳукман мулк топилгани учун талоққа маҳал мавжуддир" (Умдатур риоя).

"КУЛЛА МА (ҲАР ҚАЧОН)" ЛАФЗИ БИЛАН ТАЛОҚ ҚИЛИШ

"Кулла ма" лафзидан бошқа барча шарт лафзлари билан бир талоқ воқе бўлади. Чунки, "кулла ма" лафзи такрорни ифодалайди. Шу боис "кулла ма (ҳар қачон)" лафзи билан талоқ таълиқ қилинса ва у шарт топилиши билан талоқ воқе бўлади ва то уч талоқ мукаммал бўлгунича таълиқ боқий

қолавереди ва ҳар сафар шарт топилганда талоқ тушавердаи. Хоҳ у шарт идда ичида бўлсин. Чунки, "кулла ма (ҳар қачон)" лафзи билан таълиқ қилинган талоқ мавжуд никоҳ милки доирасида бўлади ва мавжуд никоҳ милки доираси уч талоқ билан тугайди. "Кулла ма" лафзи билан талоқ таълиқ қилингандан кейин уч талоқ воқе бўлиб, аёл шаръий ҳалолодан кейин аввалги эрига тегса, аввалги никоҳда қўйилган шарт ўз ниҳоясига етади. Масалан, бир киши аёлига: "Ҳар қачон уйга кирсанг талоқсан" деса ва аёл уйга кирса, бир талоқ воқе бўлади. Аёл иккинчи марта кирса, иккинчи талоқ, учинчи марта кирса, учинчи талоқ воқе бўлади. Ушбу аёл шаръий ҳалолодан кейин аввалги эрига тегиб, аввалги никоҳда талоқ таълиқ қилинган уйга кирса, бас талоқ воқе бўлмайди. Чунки, аввалги никоҳ милкида қилинган таълиқ иккинчи никоҳ милкига таъсир кўрсатмайди.

Шунингдек, бир киши аёлига: "Ҳар қачон уйга кирсан талоқсан" деса ва у аёл уйга кирса, бас бир ражъий талоқ воқе бўлади. Лекин, бир ражъий талоқдан кейин аёлига қайтмаса ва аёл идда ўтириб, боин талоқ бўлиб, бошқа эрга турмушга чиқса ҳамда у иккинчи эр ҳам унга талоқ қўйса ва аёл аввалги эрига тегиб, талоқ таълиқ қилинган уйга кирса, талоқ воқе бўлмайди. Чунки, янги милк билан аввалги милкдаги шарт бекор бўлади.

ثالثا دعوى لحنن هناف ام لك يف الة ةرم طرشلل دجو اذا ني مي ل لحنن اه يف
اهك ن ا ع ق ي ال ف ق ي ل ع ت ل ل ال ط ب ب ني مي ل ل ال ط ب ني مي ل ل ال ح ن اب دارم ل
ام لك هناف اذك تناف كت جوزت ام لك وحن جوزت لى ل ع تلخدا اذا ال رخا جوز دع
رخا جوز دع ناك ناو ق ل ط ت .

"Талоқни шартга таълиқ қилинганда бир маротаба шарт топилиши билан қасам ечилади. Лекин, куллама лафзида уч талоқ воқе бўлганидан кейин қасам ечилади. Қасам ечилади деганидан мурод, таълиқ ботил бўлиши билан қасам ҳам ботил бўлади деганидир. Агар уч талоқдан кейин бошқа эрга тегиб шаръий ҳалолодан кейин аввалги эрига турмушга чиқса ва аввалги шарт топилса талоқ воқе бўлмайди. Лекин, куллама сўзини уйланишга тегишли қилиб айтилса, яъни қачон уйлансам талоқсан дейилиса, шаръий ҳалолодан кейин ҳам куллама лафзи ботил бўлмайди" (Шарҳул виқоя).

فولح م ل ن ال ك لذو ثالثا دعوى لحنن هناف ه لوق ى ل ع ع ي ر ف ت ع ق ي ال ف ه لوق
ك ل م ي ف ه ر ث ا ى ق ب ي ال ف ثالثا ل اب ك لذ ى ه ت ن ا د ق و ك ل م ل ا اذ ه ق ا ل ط و ه ا م ن ا ه ي ل ع
م ل اذا م ك ح ل ا اذ ه ن ا ه ل ص ا ح و ع ق ي ال ف ه لوق ن م ء ا ن ث ت س ا خ ل ا اذا ال ه لوق و د ي د ج
ق ل ا ط ت ن ا ف ك ت ح ك ن ا م ل ك ه لوق ك ك ل م ل ب ب س ى ل ع ت ل خ د ن ا ف ج و ز ت ل ل ى ل ع ل خ د ي
ا ه ب ج و ز ت ل ك دع ب ا ه ي ل ع ق ا ل ط ل ا ع ق ي ف ح ا ك ن ل ك دع ب ق ا ل ط ل ا ع و ق و ت د ا ف ا .

"Талоқ тушмайди дегани учтадан кейин қасам ечилади деган сўзига қўшимча бўлиб, бундай бўлиши, чунки қасам ичилган нарса ўша милкнинг

талоғи эди. Учта билан у милк тугади. Бошқа эрга тегиб янги никоҳлангач, эски милкнинг асари янги милкда боқий қолмайди. Лекин қачонки сўзи талоқ тушмайди деган сўзига истисно бўлиб, унинг хулосаси шуки, талоқ тушмаслик ҳукми "ҳар қачон" сўзи "уйлансам" сўзига кирмаган вақтдадир. Агар ҳар қачон уйлансам деб, милкнинг сабабига кирса масалан, ҳар қачон сенга уйлансам сен талоқсан деса, ҳар бир никоҳдан кейин талоқ тушишини ифода қилади. Қачон бўлмасин унга никоҳланса, унга талоқ тушаверади" (Шарҳул виқоя).

"КУЛЛА МА" ЛАФЗИНИ НИКОҲГА БОҒЛАБ ТАЛОҚНИ ТАЪЛИҚ ҚИЛИШ

"Кулла ма" лафзига доир ҳукмлар юқорида баён қилинди. Лекин, "кулла ма" лафзини никоҳга боғлаб, бир бегона қизга "ҳар қачон сенга никоҳлансам талоқсан" деб, талоқни никоҳга боғлиқ қилса, доимий тарзда никоҳ ўқиш билан талоқ воқе бўлаверади. Бу юқорида ўтган "кулла ма" билан боғланган шартлар каби уч талоқ билан тугамайди. Балки, абадий тарзда никоҳ ўқилишига талоқ воқе бўлаверади.

Масалан, бир киши: "Ҳар қачон уйлансам хотиним талоқ" деса, неч маротаба никоҳланса, ўшанча талоқ воқе бўлаверади. Гарчи, уч талоқ воқе бўлгандан кейин бошқа эрга тегиб, кейин аввалги никоҳланган эркакка никоҳланса ҳам.

Шунингдек, бир киши мутлоқ тарзда: "Ҳар қачон қайсидир аёлга уйлансам талоқ" деб айтса, бас у эркак кимга никоҳланса ва неча маротаба никоҳланса ҳам талоқ воқе бўлаверади.

ثالثا دعوت لحننت هناف ام لك يف الة رم طرشلل دجو اذا ني مي لال لحننت اه يف اف
اه ك ن ن ا ع ق ي ال ف ق ي ل ع ت ل ال ط ب ب ني مي لال ن ال ط ب ني مي لال لال ح ل اب دارم ل
ام لك هناف اذك تناف كت جوزت ام لك وحن جوزت لال لى لى تلخدا اذا ال رخ جوز دع
رخ جوز دع ناك ناو قل ط ل

"Талоқни шартга таълиқ қилинганда бир маротаба шарт топилиши билан қасам ечилади. Лекин, куллама лафзида уч талоқ воқе бўлганидан кейин қасам ечилади. Қасам ечилади дегандан мурод, таълиқ ботил бўлиши билан қасам ҳам ботил бўлади деганидир. Агар уч талоқдан кейин бошқа эрга тегиб шаръий ҳалоладан кейин аввалги эрига турмушга чиқса ва аввалги шарт топилса талоқ воқе бўлмайди. Лекин, куллама сўзини уйланишга тегишли қилиб айтилса, яъни қачон уйлансам талоқсан дейилиса, шаръий ҳалоладан кейин ҳам куллама лафзи ботил бўлмайди" (Шарҳул виқоя).

فول ح الم نال ك لذو ثالثا دعوت لحننت هناف ه لوق لى لى ع يف ت ع ق ي ال ف ه لوق
ك لم يف ه رثا لى ق ب ي ال ف ثالثا ل اب ك لذ لى ه ت نا دقو ك ل م ل ا اذ ه ق ال ط وه ام نا ه لى ل ع
م ل اذا م ك ح ل ا اذ ه نا ه ل ص ا ح و ع ق ي ال ف ه لوق ن م ء ان ت س ا خ ل ا اذا ال ه لوق و د ي د ج
ق ل ا ط ت ن ا ف ك ت ح ك ن ام لك ه لوق ك ك ل م ل ا ب بس لى لى تلخدا ن ا ف جوزت لال لى لى ل خ د ي

هُدًى لِّلَّذِينَ هُمْ يُحِبُّونَ ۚ

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

"Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам:

"Уч нарсани жиддийси ҳам жиддий, ҳазили ҳам жиддийдир: никоҳ, талоқ ва ражъат" дедилар .

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّمَا الْبَيْتُ الْحَرَامُ الْبَيْتُ الَّذِي كُنْتُمْ عَلَيْهِ تَكُونُونَ ۚ وَتِلْكَ الْأَمْثَلُ لِقَوْمٍ أَعْيُنًا ۚ

"Талоқни таълиқ қилгандан кейин уни қайтиб ололмайдиган ва хотинни унга топширган нарсасидан қайтара олмайди ва таълиқни бекор қила олмайди ҳам "Жавҳаратун наййира"да шундай дейилган" (Фатвои ҳиндия).

МУЪАЛЛАҚ ТАЛОҚНИ ИНКОР ҚИЛИШИ

Эр аёлга: "Фалон ишни қилсанг талоқсан" деса ва аёл у ишни қилса, эр инкор қилиб: "Мен талоқингни бермаганман ва талоқни таълиқ ҳам қилмаганман" деса ва аёлда бирор одил гувоҳ бўлмаса, бас қасам билан эрнинг қавли эътиборга олинади. Лекин, эр ҳақиқатда шундай қилган бўлса, бир умр ҳаром ишга қўл уриб ҳаёт кечирган бўлади.

قَالَ طَلَّقَ الْوَأَنَّكَ إِنَّمَا تَنْتَقِمُ عَلَيْهِ ۚ وَتِلْكَ الْأَمْثَلُ لِقَوْمٍ أَعْيُنًا ۚ

"Шартни топилишида эр-хотин тортишиб қолсалар, талоқни инкор қилгани сабабли қасам билан эрнинг сўзи қабул қилинади" (Раддул мухтор).

ТАЛОҚНИ ТАЪЛИҚ ҚИЛИШДА НЕЧТА ВА ҚАНДАЙ ТАЛОҚ ВОҚЕ БЎЛАДИ

Талоқ қўйгувчи нета ва қандай талоқни муъаллақ қилса, ўша талоқ воқе бўлади. Агар сариҳ лафзлар ёрдамида талоқни муъаллақ қилиб: "Фалон ишни қилсанг талоқсан" деса, бас бу билан бир ражъий талоқ воқе бўлади. Агар сариҳ лафзлар билан икки талоқни таълиқ қилса, масалан, бир киши аёлига: "Фалон ишни қилсанг сенга икки талоқ" деса, бас бу суратда икки ражъий талоқ воқе бўлади. Агар сариҳ лафзлар ёрдамида уч талоқни таълиқ қилса, масалан, бир киши аёлига: "Фалон ишни қилсанг уч талоқсан" деса ва аёл у ишни қилса, бас унга уч талоқ воқе бўлади.

Талоқ қўйгувчи киноя лафзлар билан талоқни муъаллақ қилса, бас боин талоқ воқе бўлади. Агар эр мутлоқ лафзлар билан талоқни муъаллақ қилса, масалан, эр аёлига: "Фалон ишни қилсанг менинг никоҳимдан чиқасан" ёки "Фалон ишни қилсанг менга ҳаромсан" ёки "Фалон киши билан гаплашсанг никоҳимиз фасх бўлади" ва шунга ўхшаш лафзлар билан талоқни таълиқ қилса, бас ният билан боин талоқ воқе бўлади.

Бир киши: "Фалончи билан гап-сўз қилсам аёлим никоҳимдан чиқади ва шаръий ҳалоласиз менга қайта олмайди" деса, бас шарт топилиши билан аёлга уч талоқ воқе бўлади ва шаръий ҳалоласиз эрга қайта олмайди.

تِلْكَ الْأَمْثَلُ لِقَوْمٍ أَعْيُنًا ۚ وَتِلْكَ الْأَمْثَلُ لِقَوْمٍ أَعْيُنًا ۚ

ҳалол бўлмайди, магар икковлари Аллоҳнинг чегараларида тура олмасликдан қўрқсалар (бўлади). Бас, агар икковларининг Аллоҳнинг чегараларида тура олмаслигидан қўрқсангиз, хотин берган эвазда икковларига гуноҳ йўқдир. Ушбулар Аллоҳнинг чегараларидир. Бас, улардан тажовуз қилманг. Ва ким Аллоҳнинг чегараларида тажовуз қилса, бас, ўшалар, ана ўшалар, золимлардир" (Бақара 229 оят).

Хулуъга доир имом Бухорий ибн Аббос розияллоҳу анҳудан қуйидаги ҳадисни ривоят қилганлар:

هَلَلِ يَصِيَّبَنَّ لِلَّهِ تَتَّسِّيَقِ نَبَاتِ أَرْمَانًا وَعُهِلَّ لِأَيِّضٍ رَسَابَعٍ نَبَا نَع
هُرْكَأُ يَنْكَلَوِي دَالِوِ قُلُخِ يَفِيهِ لَعْبُ عَامِ هَلَلِ لُؤْسَرِ أَيُّ تَلْأَقِ مِلْسُو هِي لَع
هِي لَع نِي دَرْتَأُ: مِلْسُو هِي لَع هَلَلِ يَصِيَّبَنَّ لِلَّهِ لُؤْسَرِ لَأَقِ مِ السِّإِلِ يَفِي زَفْ كَلِ
يُرَاحُ بَلْ هَاوَرٌ. هَقِي لَطَطِ أَوْ قَطُو هَقِي دَحْ لَلِ لَبْقَا لَأَقِ مَعْنُ: تَلْأَقِ هَقِي دَحْ
يَسْأَسْ نَلْأَوُ

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Собит ибн Қайснинг хотини Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

"Эй Аллоҳнинг Расули, мен унга хулқда ҳам, динда ҳам бир айб қўя олмайман, лекин Исломда куфрони неъмат қилишни хушкўрмайман", деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

"Унга боғини қайтариб берасанми?" дедилар.

"Ҳа", деди аёл.

"Боғни қабул қилиб ол-да, уни бир талоқ қил", дедилар".

Бухорий ва Насай ривоят қилган.

Нақл қилинишича, Собит ибн Қайс хунук ва бўйлари паст киши эди. Уларнинг аёли эса, чиройли эди. Шу сабабли иккаларлари ўртасидаги никоҳ риштаси кўнгилдагидек эмас эди. Жамила бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга арз қилиб: "Собит ибн Қайснинг ахлоқи ва одоби яхши. Лекин, унга нисбатан менда муҳаббат йўқ. Шу боис у билан яшаб кетишим мушкул. Қолаверса, яхши кўрмаганлигим сабабли ёки фитрий сабабли унга бирор ножўя гап гапириб, куфронун неъмат қилиб, гуноҳкор бўлишдан қўрқаман. Шунинг учун ундан ажрашишни истайман" деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у айтган сўзларни чуқур тафаккур қилиб, Собит ибн Қайсга: "Аёлингни бир талоқ қўйишни маслаҳат бераман" дедилар. Бундан хулуъда бир талоқ қўйиш афзал ва авло иш экани маълум бўлади. Чунки, эр ҳам, аёл ҳам яна қайтадан турмуш қурушни истаб қолсалар, тўй қилиб, ҳеч қандай ҳражсиз турмуш қура оладилар.

Собит ибн Қайс розияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтганларини қилди ва шу тариқа Исломда биринчи хулуъ

собит бўлди.

Собит ибн Қайс розияллоҳу анҳунинг бу хотинларининг исми Жамила бинти Абу Салул бўлган. Собит ибн Қайс розияллоҳу анҳу Жамила розияллоҳу анҳога бир боғни маҳр қилиб берган эди. Собит розияллоҳу анҳу ўзлари одобли, диндор бўлсалар ҳам чиройли эмас эканлар. Шунинг учун хотинлари Жамилага ёқмаганлар.

Бошқа ривоятларда зикр қилинишича, Жамила розияллоҳу анҳо Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бир куни пардани кўтариб кўчага қарасам, у бир гуруҳ одамлар билан келаётган экан, ичларида ундан кўримсизи, ундан хунуги йўқ экан, деган.

Шунинг учун куфрони аъшир, яъни, эрга итоатсизлик бўлишидан кўрққан. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Жамиланинг ажрашиш истагини Собитга айтганларида у эй Аллоҳнинг Расули, мен унга энг яхши боғимни маҳр қилиб берган эдим, деган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ривоятда Жамила розияллоҳу анҳога: «Унга боғини қайтариб берасанми?» дейишлари ҳам шундан.

Бошқа ривоятда бу саволга Жамила розияллоҳу анҳо:

«Ҳа, устига бошқа нарса ҳам бераман», деган.

Маҳр бўлиши жоиз нарса хулуъга берилса ҳам бўлади. Уламоларимиз хулуънинг миқдори ўша аёлга берилган маҳрдан ортиқ бўлмагани маъқул, дейишади.

Хулуъ Исломда аёл киши учун эрдан ажрашишга очиб берилган йўлдир. Эр ажрашишни хоҳласа, талоқ қилади. Хотин ажрашишни хоҳласа, қозига арз қилиб хулуъ қилади.

Хулуънинг машруълигига уммат ҳам ижмоъ қилган ва қиёс билан ҳам собит бўлган. Никоҳ милки қасос милкига қиёс қилинган. Чунки, қасос милкида мол бўлмасада, лекин, унга эваз олиш жоиздир. Шунингдек, никоҳ милки мол бўлмасада, лекин, унга эваз олиш жоиздир. Ушбу эвазга талоқни айри бошлаш хулуъ дейилади (Ҳадис ва ҳаёт).

ХУЛУЪНИНГ ШАРТ ВА РУКУНЛАРИ ҲАМДА СУРАТЛАРИ

Хулуънинг биринчи шarti эр талоқ қўйишга лаёқатли, аёл эса, талоққа маҳал бўлиши лозимдир. Иккинчиси, эр-хотиннинг розилиги, яъни эр-хотин маълум мол эвазига хулуъ қилишга рози бўлишиб, никоҳ риштасини тугатишларига хулуъ дейилади. Аёл хулуъ қилдиришга рози бўлса-ю, эр розилик бермаса ва аёл устидан босим ўтказиб, аёлнинг еб-ичишидан хабар олмаса, аёлнинг жинсий ҳаққини ҳам қондирмай беъътибор ташлаб қўйса, бас аёл қози олдига бориб, бўлиб ўтган воқеадан уни бохабар қилади ва қози эр-хотин ўртасидаги можорони тўлиқ ва пухта ўрганиб чиқиб, эр-хотинлик ришталарини фасх қилади. Лекин, буни хулуъ

ҳам ҳаромдир", дедилар".

عَنْ أَمِّ الْمُؤْمِنِينَ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا أَنَّهَا سَأَلَتْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْيَمِينِ وَالشِّمَالِ فَقَالَ: «مَا لَكُمْ مِنْهُمَا؟» قَالَتِ: «أَنْتَ تَقُولُ بِأَنَّ الْيَمِينَ وَالشِّمَالِ حَرَامٌ» فَقَالَ: «إِنَّمَا حَرَّمَ اللَّهُ الْبَيْعَ فِي الْيَمِينِ وَالشِّمَالِ».

Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

"Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

"Қай бир аёл узрсиз эридан хулуъ қилишни сўраса, жаннат ҳидини ҳидламайди", дедилар".

ЭРНИНГ РОЗИЛИГИСИЗ СУД ОРҚАЛИ ХУЛУЪ ҚИЛДИРИШ МУМКИНМИ?

Мутақаддим ҳанафийлар: "Хулуъ икки томон розилиги асосида амалга ошадиган муомала" деганлар. Бунга кўра аёл маҳрни рози бўлиб эрга беради ва эр унга рози бўлиб, маҳр эвазига никоҳ битмини бузади. Агар эр хулуъ қилишга рози бўлмай аёлнинг олдидаги ҳақларини адо қилмай юраверса ёки аёлга доимий зулм-ситама ўтказишда бардавом бўлса ва иш қозигача етиб келса, бас қози ёки суд бу ўринда нимани ихтиёр қиладилар. Мутақаддим олимлар: "Хулуъ ва талоқ қўйиш эрнинг ҳақи ҳисобланади. Қози ёки унинг вакили бу ҳақга эга эмаслар" деганлар. Ҳа, албатта агар эр аёлга зулм-ситама бериш билан бир қаторда талоқ ҳам, хулуъ ҳам бермаса, бас талоқ қўйишга ёки хулуъ қилишга эр мажбур қилинади.

Имом Молик ва баъзи мутааххир ҳанафий олимлари: "Агар эрнинг зулум-ситама хаддан зиёд ортиб, у билан яшаб бўлмайдиган даражага келиб қолса ва эр аёлга талоқ бермаса ёки хулуъ ҳам қилмаса, бас қози ёки ҳоким эрнинг розилигисиз аёлга талоқ ёки хулуъ беради" деганлар.

Икки гуруҳ олимларининг далиллари китобларда баён қилинган. Унинг ҳосил натижаси шу бўлади-ки, эр талоққа ёки хулуъга рози бўлмаса, қози ёки ҳоким мажбуран талоққа ёки хулуъга рози қилади. Лекин, бирор ҳадис ёки саҳобийларнинг асарларида эр талоққа рози бўлмаган ўринда қозининг ўзи аёлни талоқ қилади деган хабар мавжуд эмас.

Далиллар:

Собит ибн Қайс розияллоҳу анҳуга Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Уни талоқ қилгин", "Уни ажратгин", "Уни йўлини очиб қўйгин" дедилар. Эр қозини амрига бўйинсуниб аёлига талоқ бермаса ёки уни хулуъ қилмаса, қози мажбуран хулуъ ёки талоқ қилдиради. Масалан, Али розияллоҳу анҳу бир кишига: "Аёлинг рози бўлган нарсага рози бўлмагунингча қўйиб юборилмайсан" деб ҳукм қилганлар.

Фойда:

Ушбу далиллардан маълум бўладики, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари Собит ибн Қайснинг аёлига талоқ қўймай, аёлнинг эрига: "Аёлингни талоқ қил" деб ҳукм қилдилар. Агар ҳоким талоқ қилиш ҳуқуқига эга бўлганда Али розияллоҳу анҳу эрни талоқ ёки хулуъ қилиш учун

тутқинликда тутиб туришлари учун бирор маъно бўлмас эди. Агар ҳокимда талоқ ёки хулуъ қилиш ихтиёри мавжуд бўлганида, Али розияллоҳу анҳу эрни мажбурлаш ўрнига ўзлари талоқ ёки хулуъ қилиб қўйган бўлар эдилар.

Фатво:

Масаланинг ҳақиқати юқорида зикр қилинди. Лекин, кейинги ҳанафий мазҳаби олимлари жуда қаттиқ зарурат туғилган ўринларда моликия мазҳабига биноан эр-хотин ўртасини ажратиш суратига ўтганлар, яъни қози ёки ҳоким эр-хотинлик ришталарини уза оладилар. Ушбу масала батафсил тарзда Таҳонавий раҳматуллоҳи алайҳнинг "ал-Ҳийлатун наажиза" асарларининг "Фасху никоҳ" бўлимида баён қилинган. Биз ҳам бироз батафсил тарзда кейинги сатрларда масалани ёритиб ўтамиз.

МАЖБУРАН ХУЛУЪ ҚИЛДИРИЛСА, ХУЛУЪ БЎЛАДИМИ?

Эр хулуъ қилишга рози бўлмаса, аёл қариндош-уруғлари ёки қози босим ўтказиш йўли билан эрни хулуъ қилдиришга ундаса ва эр аёлни хулуъ қилса, бас мажбуран талоқ қўйдириш мумкин бўлгани каби мажбуран хулуъ қилдириш жоиз бўлади ва аёлга бир боин талоқ воқе бўлади.

حَيْحَ صُوعًا لَطَّ نِإْفَ أَرْكَمٌ وَأَأْدَبَعٌ وَلَوْ

"Қул ёки мажбурланган хулуъ қилса жоиз бўлади. Чунки, унинг талоғи дуруст бўлади" (Дуррул мухтор).

АЁЛНИНГ РОЗИЛИГИСИЗ ХУЛУЪ БЎЛМАЙДИ ВА ХУЛУЪ ЛАФЗИ БИЛАН ТАЛОҚНИНГ ҲУКМИ

Хулуънинг икки қисми мавжуд: 1. Эвазсиз хулуъ; 2. Эвазга кўра хулуъ.

1. Эвазсиз хулуъдан мурод, эр бирор эвазни зикр қилмай аёлига: "Сени хулуъ қилдим" дейишидир. Агар, эр бу гапи билан талоқни ният қилса, талоқ воқе бўлади. Агар талоқни ният қилмаса, бас талоқ воқе бўлмайди. Зеро, хулуъ киноя талоқ лафзларидан ҳисобланади. Агар эр "Сени хулуъ қилдим" деган сўзи билан уч талоқни ният қилса, бас уч талоқ воқе бўлади. Ҳа, агар бир, икки ёки мутлоқ талоқни ният қилса, бир боин талоқ воқе бўлади ва эрнинг зиммасига маҳрни адо қилиши лозим бўлади;

2. Эвазга биноан хулуъ қилишдан мурод, аёл томонидан бирор нарсани эрга тақдим қилишга талоқни боғлаш хулуъ дейилади. Эр аёлга фалон нарса эвазига ёки шунчага сени хулуъ қилдим деса ва аёл уни қабул қилса, гарчи, эр хулуъ лафзидан талоқни ният қилмасада, маҳр эр зиммасидан соқит бўлиб, аёлга боин талоқ воқе бўлади. Аёл, эвазга биноан талоқ қилиш таклифига рози бўлмаса, маҳр эр зиммасидан соқит бўлмайди ва хулуъ ҳам, талоқ ҳам воқе бўлмайди.

Лекин, хулуъ лафзи мутлоқ айтилса, иккинчи маъно, яъни эвазга кўра

хулуъ қилиниш тушунилади. Шунинг учун бир киши қандайдир бир кишини вакил қилиб: "Аёлимни хулуъ қил" деса ва вакил бориб, у кишининг аёлини эвазсиз хулуъ қилса, яъни вакил бориб, аёлга талоқ қўйиб келса, бас талоқ воқе бўлмайди. Агар вакил қилгувчи вакилга: "Бир миллионга мени аёлимни хулуъ қилиб кел" деса, вакил аёлни айтилган маблағ эвазига хулуъ қилса ва аёл уни қабул қилса, бас талоқ воқе бўлади. Бундан кейин эр: "Мен у билан хулуъ ёки талоқни ният қилмаганман" деб вакил қилган ишни инкор қилса, эрнинг сўзи тасдиқ қилинмайди. Чунки, эвазни зикр қилиш шариатда хулуънинг белгиси ҳисобланади. Эвазга биноан хулуъ қилиш сариҳ талоқ ҳисобланиб, ниятга ҳожат қолмайди.

Ҳа, агар бир киши аёлига: "Сени хулуъ қилдим" деб, эвазни зикр қилмаса ва бу билан талоқни ният қилмаганман деб туриб олса ва ҳолат ҳам эрнинг сўзига далолат қилса, эрнинг сўзи тасдиқ қилинади ва талоқ воқе бўлмайди.

أَمْ أَضَوَعِ رِيغِبُ غُلْحٌ وَضَوَعِ غُلْحٌ: نَاعُونَ غُلْحٌ لَانَّ أَهِي فَمَالِكُلَاةٍ مُجْفُ غُلْحٌ لَامًا
وَبِوَنُ نِإْفِ ضَوَعِ لَارُكُدِي مَلَوَكْتَعَلَاخ: وَتَأْمَالِ لَاقُ نَأُوحِنَفِ ضَوَعِ رِيغِبُ وَهُ يَدَلَا
نَاكَ أَتَالَتِ يَوَنُ وَاوَلُو، أَنْ دَنَعِ قَالَطَلَا تَأَيَانُكَ نَمُهُ نَأَل: أَلِفِ الْإِوَأَقِ الْطَنَاكَ قَالَطَلَا
ةَلَزَنَمَبَرَفُزَلِ أَلِخِةَ تَالَتِ لَانَبَاخُ صَأَدُنَعُ دِحَاوَيَهَفِ نِيَتِنُ ثَا يَوَنُ نِإُو. أَتَالَتِ
ضَوَعِ لَابِ أَنْ وُزُقَمِ نُوَكِي نَأُ وَهُو يِنَا ثَلَا أَمْ أُو. رَمِ أَمْ يَلَعِ لَكَ دَفُوحِ وَنِئَابِتِنَأ: هَلُ وُق
هُنَأُ الْإِ أَمْ هَلَعِ عَقِي غُلْحٌ لَامَسَاو. أَضَوَعِ رَكَدُو أَدَكَ يَلَعِ كَتَعَلَاخ: لَاقُ نَأَبِ أَنْ رَكَدُ أَمْ
ةَقِي قَحُ نُوَكِي فِغُرْشَلَاوِةَ لَلِ فُرُعِ يَفِ يِنَا ثَلَا لِعُ وُنَلَا يَلِ فُرُصِنِي قَالَطَلَا لَدُنَعِ
حُلُصِي مَلِ ضَوَعِ رِيغِبِ أَعَلَخِ فِ يَتَأْمَالِ غُلْحٌ لِي بِنَجَالِ لَاقُ وُلِ يَتَحِةَ غُرْشَلَاوِةَ فِرُعِ
قُدُصِي الْإِ قَالَطَلَا وَبِوَنُ أَمْ لِحُ وُزَلَا لَاقُ مُثُ تَلَبَقِ فِمَهْرَدِ فَلَأُ يَلَعِ أَعَلَاخُ وُلِ أَدَكَ وُ
نَعِ لُ وُدُغَلَا يَفِ قُدُصِي الْإِ فِ أَرَهَاظِ قَالَطَلَا ةَدَارَا لِي لَدِ ضَوَعِ لَارُكُدِي نَأَل: أَعْضَقُ لَا يَفِ
قَالَطَلَا وَبِ تَدَرَأُ أَمْ: لَاقُ مُثُ ضَوَعِ لَارُكُدِي مَلَوَكْتَعَلَاخ: أَعَلِ لَاقُ إِذَا أَمْ فِ الْإِخْبَرِ هَلُ ظَلَا
قَالَطَلَا رَكَدُو وَبِ ضَعُ نَمِ قَالَطَلَا ةَدَارَا يَلَعِ لُدَتِ لَحِ ةَلَا دَكَ أَنْ هُنُ كِي مَلِ إِذَا قُدُصِي هُنَأُ
تَأَيَانُ كُلَا يَفِ أَنْ رَكَدُ أَمْ يَلَعِ

"Хулуъ у тўғрисида хулоса қилиб айтадиган бўлсак, хулуъ икки қисмга бўлинади, эваз баробарига хулуъ қилиш ва эвазсиз хулуъ қилиш. Эрнинг аёлига талоқни ният қилиб, эвазни зикр қилмай сени хулуъ қилдим дейиши, эвазсиз хулуъ саналади ва бу хулуъ эмас талоқ бўлади. Агар эр талоқни ният қилмаса, у билан талоқ тушмайди. Чунки, сени хулуъ қилдим, деган лафз бизнинг наздимизда талоқнинг киноий лафзларидандир. Эр бу сўзни айтиб уч талоқни ният қилса, уч талоқ воқе бўлади. Агар икки талоқни ният қилса, бир талоқ воқе бўлади. Бу бизнинг учала асҳобларимиз наздида. Бу гап имом Зуфар раҳматуллоҳи алайҳга хилофдир. Эрнинг сени хулуъ қилдим деган сўзи, сен боинсан, деган сўзи манзилидандир. Хулуънинг иккинчи қисми эса, эваз билан зикр қилинган бўлиб, эрнинг эвазни зикр қилиб, сени шунчага хулуъ қилдим деган сўзи

кабидир. Хулуъ исми иккаласига ҳам ишлатилаверади. Лекин, хулуъ лафзини мутлоқ қилиб айтилинганда, луғат ва шариат урфида хулуънинг иккинчи нави ирода қилинади ва хулуъ урфий ҳамда шаръий ҳақиқат ҳисобланади. Ҳаттоки, эр бегона бир кишига эвазни зикр қилмай: "Хотинимни хулуъ қил" деса, хулуъси дуруст бўлмайди. Шунингдек, эр аёлини минг дирҳам эвазига хулуъ қилса, хотин ҳам уни қабул қилса, сўнг мен у билан талоқни ният қилмаган эдим деб айтса, қазоан эрни тасдиқ қилинмайди. Чунки, эвазни зикр қилишлик очиқ-ойдин талоқни ирода қилишга далилдир. Зоҳирдан юз ўгиришда уни тасдиқ қилинмайди. Эр аёлига эвазни зикр қилмай: "Сени хулуъ қилдим" деб сўнгра мен у сўзим билан талоқни ният қилмаган эдим, деган ҳолатни хилофи ўлароқ. Чунки, эр бундай ўринда тасдиқ қилинади. Ғазаб, талоқ музокараси каби талоқни ирода қилишга далолат қиладиган ҳолатни топилмаганлиги учун. Биз бу ҳақда киноятлар бобида зикр қилиб ўтганмиз" (Бадоиъус саноиъ).

ЭР ХУЛУЪДА АЁЛДАН ҚАНЧА МАБЛАҒ ОЛИШИ МУМКИН?

Фақиҳлар бу масала юзасидан чуқур изланишлар олиб бориб: "Эр томондан камчиликка йўл қўйилган ҳолатда аёлдан талоқ эвазига мол олиш макруҳи таҳримий ҳисобланади" деганлар. Бу ҳақда Қуръони каримда шундай дейилган:

أَيُّ يَشْهُونَ أَوْ دُخَاتٍ أَلْفَ أَرَاطُنَ قُنَّ هَذَا حِمْزٌ مَّتَّيَّتْ أَوْ حِمْزٌ وَزَنَ كَمِ حِمْزٌ وَزَلْ أَدْبَتْ سَأْمُتْ دَرَأْنِ أَوْ
أَنْ يَبْمُ أَمْثَلِ وَأَنْ أَتْ هَبْ هَنْ وَدُخَاتٍ أَلْفَ

"Ва агар хотин ўрнига бошқа хотин олмоқчи бўлсангиз ва уларнинг бирига ҳаддан зиёд маҳр берган бўлсангиз ҳам, ундан ҳеч нарсани қайтариб олманг. Уни бўҳтон ва катта гуноҳ ҳолида оласизми?" (Нисо 20 оят).

Хато-камчилик ва итоатсизлик аёл томонидан бўлса, талоқ эвазига ҳақ олиш эр учун жоиз бўлади. Лекин, маҳр ва бошқа нарсаларга сарфлаган харажатлар миқдорича талоқ эвазига ҳақ олиши афзалдир. Агар эр аёлга маҳр бермаган бўлса, ҳеч қандай эвазсиз хулуъ қилади.

وَلَوْ أَلْتَرَشَنَنْ وَأَوْ زَشَنَنْ نِإِ هَيْلَعِ أَلْ أَمْعُ أَرْبِإِلِ هَبْ قَحْلُيْ وَيْ شِ دُحْ أَمْ يَحْتِ وَرَكَو
هَ أَرْكَ يْ نُنْ شَلِ أَحْ صَوْ حُتْفَ هَ وَ أَلِ أَلِ عِ أَهْ أَطْعَ أَمْ مَرْتُ كْ أَبْ وَ لَوْ أَضْيْ أَوْ شُنْ هَنْ م
لُ صَحْ يْ هَبْ وَ هَيْ هَيْ زَنْتَ أَهْ أَنْ دِي فَيْ هَبْ سَأَبْ أَلِ يَ قَتْ لُمُ لَ رِي بَعَتْ وَ هَ دَائِي زَلِ
قِي فَوْتَلِ

"Хотиндан бирор нарсани олиш макруҳи таҳримийдир. Эр ўзи итоатсиз бўла туриб, эрнинг зиммасидаги хотиннинг ҳаққини соқит қилдириш ҳам макруҳи таҳримийга қўшилади. Агар аёл итоатсизлик қиса, хулуъ қилиш макруҳ саналмайди. Гарчи, эр томонидан ҳам итоатсизлик бўлсада ва берган маҳридан кўпроғига хулу қилсада ҳам. Хотинга берган нарсасидан кўпроғининг эвазига хулуъ қилиш ҳам макруҳдир. "Фатҳул қодир"да шундай дейилган. Шумунний берган маҳридан ортиғини олиш макруҳ

эканлигини тасдиқ қилган. "Мултақо" соҳиби томонидан ортиқчасини олишида зарар йўқ деган сўзи, макруҳи танзиҳий эканлигини ирода қилишдир" (Дуррул мухтор).

ХУЛУЪ САБАБЛИ МАҲР, НАФАҚА СОҚИТ БЎЛИБ, АЁЛ ЗИММАСИГА ХУЛУЪ МАБЛАҒИ ЛОЗИМ БЎЛАДИ

Хулуъ қилишнинг бир неча суратлари мавжуд бўлиб, биринчиси, хулуъ қилинаётган пайтда бирор маълум маблағ белгиланмай эр аёлини мутлоқ маблағ бериш эвазига хулуъ қилади. Бас, бу билан хулуъ дуруст бўлиб, эр-хотин зиммасидаги барча молиявий ҳақлар ўз-ўзидан соқит бўлади. Масалан, аёл эридан маҳрини ва бошқа совғаларни олгандан кейин эри уни мутлоқ хулуъ қилса, бас барча берилган совғалар ўз-ўзидан соқит бўлади, яъни аёл эрга берилган совғаларни, маҳрни қайтармайди ва эр ҳам уларни аёлдан талаб қила олмайди. Унинг акси ўлароқ, аёл эрига совға бериб, ҳали маҳрини олмаган бўлса ва эр уни мутлоқ хулуъ қилса, бас эр-хотин ўртасидаги молиявий ҳақлар ўз-ўзидан соқит бўлиб, аёл эридан на маҳрини, на берган совғаларини ва қолиб кетган нафақаларини талаб қила олади. Лекин, аёл ҳаққи бўлган идда нафақасини эридан олиши мумкин. Ҳа, идда пайтида бериладиган нафақаларни эр-хотин ўзаро келишиб, соқит қилсалар, бас соқит бўлади. Чунки, идда нафақаси аёлнинг ҳаққи бўлиб, у ўзи соқит қила олади. Лекин, идда пайтда эр аёлни турар жой билан таъминлаши шариат ҳаққи бўлиб, эр-хотин ўзаро келишиб соқит қилсалар ҳам соқит бўлмайди. Агар аёл эрининг уйини тарк қилиб бошқа жойда идда ўтказса, гуноҳкор бўлади.

Иккинчи хулуъ шуки, муайян маблағни тайин қилиб, маҳрни қайтариб беришни зикр қилмай хулуъ қилиш бўлиб, бас бу билан хулуъ дуруст бўлади ва маҳр ўз-ўзидан соқит бўлади ҳамда ваъдага мувофиқ белгиланган маблағни аёл эрига бериши лозим бўлади. Агар эр аёлга маҳрни аввал берган бўлса, берган маҳридан ортиғини олиши макруҳи таҳримий ҳисобланади. Ҳа, агар маҳр соқит бўлган бўлса, бас аёл уни эрдан талаб қила олмайди ва ваъда қилинган маблағни эрга бериши лозим бўлади. Агар хулуъ пайтида эр аёлга: "Маҳрни кечиш эвазига талоғингни бердим" деса ва аёл унга рози бўлса, бас аёл хулуъдан кейин маҳрни эрдан талаб қила олмайди.

Хулуъдан кейин никоҳ воситаси ила барпо қилинган ҳақлар соқит бўлади. Масалан, маҳр, нафақа ва бошқалар. Никоҳга тегишли бўлмаган ҳақлар соқит бўлмайди. Масалан, эр аёлдан насиёга бирор нарса харид қилган бўлса, унинг қиймати эр зиммасида хулуъдан кейин ҳам боқий қолади ёки аёл эрдан бирор нарса харид қилган бўлса, бас хулуъдан кейин ҳам уларни адо қилиш лозим бўлади.

حاکنلاب قلع تي امم ةخالال ىلع امه ن دحاو لكل قح لك ةأرابم لاول علخال طقس يوقلعتي ام طقس يوقلعتي ن م تترتشا ام نم ثك حاکنلاب قلع تي الام طقس يوقلعتي الف اذك ركذلاب الال طقس تالف ةدعلا ةقفن اما ةيضاملا ةقفنلاو رهملاك حاکنلاب هركذ ريغ نم طقس يوقلعتي رهملاول ةريخذلا يوقلعتي

"Хулуъ қилиш, воз кечиш эр-хотиндан никоҳга тегишли бўлган бирининг иккинчиси устидаги ҳаққини бекор қилади. Никоҳга тегишли бўлмаган ҳақларни бекор қилмайди. Хотин эрдан нарса сотиб олганида, эрга бериши керак бўлган нархи каби. Маҳр, ўтган нафақа каби никоҳга тегишли бўлган ҳақлар соқит бўлади. Идданинг нафақаси эса, келиш олмасалар соқит бўлмайди. Маҳр эса, келишиб олинмасида, соқит бўлади" (Шарҳул виқоя).

يف اهانكس ناف عرشلا قح اهنال اضيا ركذلاب طقس تالف ةدعلا ىنكس اماو رحبلال يوقلعتي اذك ةيضعم قالطلال تي ب ريغ

"Идда вақтидаги аёлнинг турар жойи соқит бўлишини зикр қилсада, соқит бўлмайди. Чунки, у шарият ҳаққидир. Аёлнинг талоқ қўйилган хонадондан бошқа жойда идда ўтириши маъсиятдир. "Баҳр"да шундай дейилган" (Умдатур риоя).

Шунингдек, эр бирор нарса харид қилиб, аёл исмига расмийлаштирган бўлса, аёл уларни эрга қайтариши лозим бўлади.

МАҲРИ БЕЛГИЛАНМАГАН АЁЛНИ ЯҚИНЛИКДАН ОЛДИН ХУЛУЪ ҚИЛИНИШИ

Никоҳ вақтида аёлга маҳр тайин қилинмай эр билан қўшилишдан олдин хулуъ қилинса, бас бундай аёлга аслида шаръан мутъа (бир сидра кийим) бериш лозимдир. Лекин, хулуъ сабабли мутъа соқит бўлади.

يف اذك ركذلاب ةغتملا طقس تالزم ةل م س ي م ل ن ا ك و ل و ح د ل ا ل ب ق ا ة غ ل ا خ ي ر ذ ر ك ل ل ز ي ج و ل ا

"Эр хотинига қанча маҳр беришини айтмаган бўлса ва унга яқинлик қилишдан илгари уни хулуъ қилса, бир сидра кийим, яъни мутъа бериши соқит бўлади. Агар мутъа борасида хулуъ вақтида ҳеч нарса зикр қилинмаса. (Важиз)да шундай дейилган" (Фатвои ҳиндия).

ЭР БАДНОМ БЎЛИШДАН ҚЎРҚИБ АЁЛНИ ХУЛУЪ ҚИЛДИРИШГА МАЖБУР ҚИЛИШИ

Эр аёл билан яшашни хоҳламай, унга талоқ беришни истаса-ю, лекин ёмон отлик бўлишдан қўрқиб, талоқ бериш ўрнига аёл устидан босим ўтказиб, хулуъ қилдирса, бас бундай мажбуран қилинган хулуъ билан маҳр эр зиммасидан соқит бўлмайди. Чунки, хулуъ сабабли эр-хотинлик ҳуқуқлари соқит бўлиб, аёл зиммасига мол лозим бўлиши учун аёлнинг розилиги ва хоҳиши шартдир. Бу ерда эса, у нарса топилмайпти. Бас, бу талоқ ҳисобланади ва аёлга мол лозим бўлмайди. Ҳа, агар эр ҳали маҳрни бермаган бўлса, бас маҳрни бериши лозим бўлади.

عَرَّابُ مَلَانَا عَلَى رَأْسِ هِي وَهِيَ الْوَالِدَاتُ لِرَأْسِ يَفْوَاهِي فَطُورُ شَمِّ
صَاحِبِ النَّبِيِّ رَهْتَشُمُّ هِنْفِ عُلُجِ الْفَالِخِ بَ، أَفْرَعِ قَالِ طَلَا فِي أَهْلِ أَمْعَتِ سَابِلِ عَيْ مَل
مَهْفِ أَفْمِ أَعْلَاوْ

"Баҳр"да "Баззозия"дан зикр қилиниб, бир-бирларидан воз кечиш лафзлари талоқда истеъмол қилиш ғолиб бўлса, тало тушиши учун ниятга ҳожат бўлмайди. гарчи у киноий сўзлардан бўлсада. агар талоқда истеъмоли ғолиб бўлмаса, воз кечиш лафзларида ният шарт эканлиги боқий қолади. Бошқа киноий сўзларда ҳам шунингдекдир. Бу гапда "воз кечиш" урфда талоққа истеъмол қилиниши ғолиб эмаслигига ишора бордир. "Хулуъ"лафзининг хилофи ўлароқ. Чунки, у хос ва омма ичида талоқда ишлатилиши машҳурдир" (Раддул мухтор).

ТАЛОҚДАН КЕЙИН ХУЛУЪ

Ражъий талоқ иддасида аёл хулуъ қилишни хоҳласа, хулуъ қилдира олади. Лекин, боин талоқ иддасида хулуъ дуруст бўлмайди. Чунки, хулуъ билан ҳам боин талоқ воқе бўлади. Бу масала юқорида ўтди-ки, ражъий талоқдан кейин боин талоқ воқе бўлади. Лекин, боин талоқдан кейин боин талоқ воқе бўлмайди.

نَوَّابُ الْجِوْخِ لِي الْخَالِ الْعَالِ طَرَشِبْ نَوَّابُ الْجِوْخِ لِي وَحَيْ رَّصِلَا قُحَّ لِي حَيْ رَّصِلَا
نَوَّابُ الْجِوْخِ لِي

"Сарих сарихга ва хотин иддадалигида боинга илашади. Лекин, киноий боин мутлоқ боинга илашмайди" (Дуррул мухтор).

ХУЛУЪНИ ШАРТГА БОҒЛАШ

Шартга таълиқ қилинган талоқ шарт топилиши билан воқе бўлгани каби шартга таълиқ қилинган хулуъ ҳам шарт топилиши билан воқе бўлади. Масалан, бир киши аёлига: "Агар уйга кирсанг бир миллион эвазига хулуъ қилдим" деса ва аёл уйга кирса талоқ воқе бўлиб, бир миллион сўм эрга бериши лозим бўлади. Лекин, аёл уйга киришдан олдин: "Бунга розиман" дейиши шартдир.

عَلَى كُنْتِ عَ لَخِ دَقَفَ رَادِلَا تَلَحَّ دَادَا وَتَأْرَمَالِ لَاقُ لُجْرَةَ نِي نَخْلَا نَعِ نِي نَخْرَاتِ تَلَا فِي
لِوُحْدَا دُنْعِ تَلَبَقِ آدَا وَبِ دِي رِي فَلَ أَبُ قَالِ طَلَا عَقِي رَادِلَا تَلَحَّ دَفِ فَلَ أ

"Татархония"да "Хония" дан нақл қилиб шуни келтирадики, бир киши аёлига: "Ховлига кирсанг минг дирҳам эвазига сени хулуъ қилдим" деса ва аёл кираётган пайтда хулуъни қабул қилса, минг дирҳам эвазига талоқ тушади" (Раддул мухтор).

ЭВАЗНИ АДО ҚИЛИШ ШАРТИГА ХУЛУЪНИ БОҒЛАШ

Шартсиз маҳр ёки нақд пул эвазига хулуъ қилинса, бас хулуъ воқе бўлади ва аёл зиммасига нақд пулни бериш лозим бўлиб қолади. Лекин, нақд пул

тўлаш шартига кўра хулуъ қилса, шарт адо бўлгандан кейин хулуъ воқе бўлади. Агар аёл шартни адо қилмаса, хулуъ воқе бўлмайди.

ХУЛУЪДАН КЕЙИН РАЖЪАТ ҚИЛИШ

Эр хулуъ воситаси ила ёки талоқ лафзи билан аёлини хулуъ қилса, эр аёлини иккинчи бор никоҳга олса бўлади. Агар уч талоқ билан хулуъ қилса, шаръий ҳалоласиз иккинчи бор никоҳ дуруст бўлмайди.

ХУЛУЪДАН КЕЙИН ИДДА ЗАРУРДИР

Хулуъ талоқ бўлиб, ундан кейин идда ўтириш зарурдир. Шунинг учун хулуъдан кейин аёл иддасиз бошқа жойга тегиб кета олмайди.

حَالُ الْكُنْءِ لِلْأَوْزَانِ عَرْمَةٌ أَمْزَلِي صُبْرَتَيْهِ دَعْوَا

"Идда – кутишдир. У никоҳ узилган вақтда аёлга лозим бўлади" (Дуррул мухтор).